

сентябрь - декабрь

201  
A  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston

# MILLIY TIKLANISHDAN — MILLIY YUKSALISH SARI



O'zMTDP — www.mf.uz

# MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 34-35 (1033) 2019 йил 1 сентябрь, якшанба  
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

15с "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ"  
ҚАМРОВИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ  
ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

12с ВАТАНПАРВАРЛИК —  
МАМЛАКАТНИНГ МАЪНАВИЙ  
АСОСИ



## УЛУГ ЙУЛ

Биз бугун қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгил қилишдан иборатдир.

5с "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" нинг том маънода юксалаётганини партиа сафига ташаббускор юртдошларимизнинг қабул қилинаётганидан ҳам кўриш мумкин.



Ким илм-фанда олға кетиб, ахлоқда оқсаса, у олдинга қараганда кўпроқ орқага кетади.  
Арасту



8с Қачон сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" сиёсий фаолликни шунчаки иммитация қиладиган тузилмадан хотин-қизлар муаммосини аниқлайдиган ва реал ҳал этадиган кучга айланади?

14с НИМА УЧУН ЎЗГАРИШИМИЗ, БИРЛАШИШИМИЗ, КУРАШИШИМИЗ КЕРАК?

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

**Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақкам иродасини намойён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.**

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган устувор гоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунама.**

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!  
Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришлар, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ағона, улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнат-каш, заҳматкаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгиб қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуг мақсадларга ўз-ўзидан, қуруқ ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустақкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиктисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, кўплаб соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнаткашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришаётган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан.

Азиз дўстлар!

**Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланди.** Бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурларимиз аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.


Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. **Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.**

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сонини 112 гага етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустақкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда **кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари**ни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, Ногиронлиги бўлган инсонларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун



энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида айнан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, хато бўлмайди.

Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи марта Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани, Термиш шаҳрида Халқаро бахиччилик санъати фестивали катта муваффақият билан ўтказилди. Қуни кеча Самарқанд шаҳрида юксак савия ва баланд руҳ билан ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бетакрор мумтоз санъатимизни яна бир марта дунёга намойён этди. Сентябрь ойида эса Қўқон шаҳрида илк бор Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказамиз.

**Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз.** Виждон, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича мустақил сиёсатини қатъий давом эттирмоқда ва бу сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда махбустларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди.

Натижада қилмишидан чин дилдан пурсаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин махбуст жазони ўташ жойларидан озод этилди.

Қуни кеча афв этиш ҳақидаги яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра жазо муддатини ўтаётган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Тасаввур қилинг, ўз уйига, яқинлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг, уларнинг ота-онаси, фарзандларининг қувончи, хурсандчилигини “ойнаи жаҳон” орқали кўрган одам, бу ҳақиқатан ҳам эзгу ва савобли иш эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Жаслик кўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар сиёсатнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бу тарихий қадам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараён эканини кўрсатади.

**Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намойён этмоқда.**

Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустақкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худога ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улуғлайди.

Хурматли ватандошлар!

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб оддий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқроқ майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантанада иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биз буни барча ислохотларимизнинг кафолати, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилгани туфайли жамиятимизда очиқлик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, қишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшайпти, уларнинг аҳволи, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очик, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, бугун масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз қалбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуг айёмда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиқлол ғояларига садоқати учун чуқур таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ўткир талаблари, муаммолари бўлган ва бундан

кейин ҳам бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони оқилона ҳал қилиш учун, аввало, бирлик, ҳамжиҳатлик зарур.

Барчамизга, айниқса, раҳбар ва етакчиларга чуқур билим, ақл-заковат, сабр-тоқат керак. Шунинг учун “**Жаҳолатга қарши – маърифат**” деган фикрда катта маъно бор. Бу ғоя фақат диний тарбия билан боғлиқ ишларда эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳар бир масалани маърифат асосида чуқур ўйлаб, халққа ҳурмат билан, такрор ва такрор айтаман, одамлар фикрини инobatга олиб, фақат қонун ва адолат мезонига таянган ҳолда ҳал этсак, эл-юртимиз биздан албатта рози бўлади.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳаммамиз эркинлик, очиқлик, ошкоралик шароитида ишлашга ўрганишимиз лозим. Барча ривожланган давлатлар, дунё ҳамжамияти шундай яшамоқда.

**Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар куни ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.**

Бизнинг томирларимизда улуг аждодларимизнинг қони оқмоқда. Буюк боларимизнинг муносиб издошлари ва давомчилари бўлиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

**Ўз Ватанини, она халқини раванқ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.**

Шу кунларда ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб, барчага намуна бўлаётган юртдошларимизга марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари тантанали равишда топширилмоқда.

Эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб, халқимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган ана шундай ватандошларимизни ўз номимдан, сизларнинг номингиздан самимий табриклав, эзгу тилакларимизни билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

**Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.**

**Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-ҳурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-ҳурмати – мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!**

**Ўз мақсадларимизга албатта ета-миз – келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!**

Қадри ватандошлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, олдимизда катта сиёсий воқеа турибди. Шу йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.

Бу сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтаришда яна бир муҳим амалий қадам бўлади.

Бу сайловлар бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг орау-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беради, деб ишонаман.

Бугунги кунда қанча-қанча билимли, нуфузли хорижий университетларда тахсил олган, чет тилларни, замонавий бошқарув усулларини яхши биладиган навқирон ёшлар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Улар бизнинг умидимиз, эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, уларга масъул лавозимларни ишончи топириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимизнинг ана шундай юксак эътиборига муносиб бўлиб, ўз салоҳияти билан, миллий ғоямизга садоқати билан Ўзбекистонимизни бутун дунёга таранум этишларига ишонаман ва бу йўлда уларга бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин, фарзандлар, набираларинг бахту камолини кўриш nasib этсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, жонажон Ўзбекистонимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

**Мустақиллик – халқимиз эришган энг улуғ, энг буюк неъмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не-не оғир синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб жон берган.**

1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик туфайли биз озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини бутун дунёга намоён қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати олам узра ёйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш учун беқиёс имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабҳада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини ошириб, иқтисодийни юксалтирмоқда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараққиёт йўлимизнинг янги босқичига ҳамоҳанг янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг қўламини янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилди. Қутлуг санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этгани ҳар бир юртдошимизни эзгуликка руҳлантирди. Барча шахар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда энг улуғ, энг азиз ушбу байрамни муносиб нишонлашга

алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи. Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтадиган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбари минбарга тақлиф этилди. Президентимиз халқимизни Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу ниятларини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, мустақиллик қўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида бетакрор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларда гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий модернизация йўлида катта ютуқларга эришаётгани, замонавий давлатга айлангани, халқчил ислохотлар одамларда эртанги келажакка ишончини мустаҳкамлаётгани, эришган натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан намуна сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончимизни бир неча қарра оширади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосидаги “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясига мувофиқ тарзда барча соҳалар янгиланмоқда, деб алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар

жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони давлатимиз юриётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари кўплаб оила-ларга қувонч олиб кирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодий барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига етакчи соҳаларни ривожлантиришни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ўстириш, пировардида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кенг йўл очади.

Кўрилаётган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион

сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, “Fitch Ratings” ва “Standart & Poor’s” агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. “Барқарор” прогнозига эга бўлган бу рейтинг баҳолари Ўзбекистон эгаллаган поғона кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, қишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари энг чекка ҳудудларга ҳам янгилаш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада яхши яшашга иштиёқ, қишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни кўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чиниқишига шароит, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар – хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан мамнунлиги ошиб бораётгани байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган

давлатлар, дунёга донги кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интиломоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янгича ёндашувлари Марказий Осиёда сиёсий вазиятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туфайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижалар моҳияти ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиқлолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадрли эканини яна бир қарра намоён этмоқда, энг улуғ, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину дённатимиз, кўна урфодат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, конфессиялараро ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятлар билан уйғуналишиб, ҳаётимиз қoidасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бахш этади.

Байрам тантанасида истиқлолни, озод ва хур Ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўх чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардондор овози дилларга кўчди. Жаҳон мумтоз музыкаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган куй-қўшиқлар диллардан дилларга кўчади, олис-олисларга таралади ва акс-садо беради – ҳар бир вилоят, туман, шахар, қишлоқ ва овул истиқлолни нишонлайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шукуҳли байрам тантаналари, халқ сайиллари давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси

барча ватандошларимизни энг улуғ,  
энг азиз байрам —

**Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги**  
шодиёнаси билан самимий қутлайди!



# ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКДАН ЯГОНА МАҚСАД САРИ

Ўзбекистон тараққиётига бефарқ бўлмаган барча фуқаролар, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар, бизнес ҳамжамияти, академик доира вакиллари амалга оширилаётган ислохотлар атрофида ихтиёрийлик асосида бирлаштириш мақсадида ташкил этилган "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ўтган етти ой давомида юртимиздаги ислохотлардан барчани бирдек хабардор қилиш, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолининг ислохотлар жараёнидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг тақлиф ва муаммоларини эшитадиган ҳамда муҳокама қиладиган майдон яратиб бериш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати биносининг мажлислар залида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, конструктив алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишлан-



ган учрашувда ҳам ана шундай фикрлар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатининг ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган масалалари муҳокама этилиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Учрашувда "Юксалиш"

умуммиллий ҳаракати раиси Акмал Бурхонов айти пайтда "Миллий тикланиш" демократик партияси том маънода юксалаётганини, ҳар бир соҳанинг энг илғор вакиллари партияга қабул қилиш орқали ўз сафини тобора мустаҳкамлаб бораётганини таъкидлаб, партия ва ҳаракат ўртасида имзоланаётган меморандум бу жараёни янада ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Партия етакчиси Алишер

Қодиров эса юксалиш ғояси атрофида барча бирлашаётганини, мустаҳкам оёқда турган жамиятга миллий юксалишга эришиши мумкин, деди.

Учрашувда ЎзМТДП ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ўртасидаги ҳамкорликдан кўзланган мақсад мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, жамиятда партия мавқеини янада яхшилаш, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамиятни бошқариш ҳамда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларни демократлаштириш, бу жараёнда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишдан иборат экани таъкидланди.

Шунингдек, ҳамкорликда партиянинг давлат бошқарувидаги ролини босқичма-босқич кучайтириб бориш, давлат ва ҳокимият тузилмаларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини

шакллантириш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ролини ошириш, доимий мониторинг ташкил этиш ва депутатлар малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказишга келишиб олинди.

Партия гуруҳларига партия дастурий мақсад ва вазифаларини бажаришда зарур таҳлилий-ахборий, статистик ҳамда бошқа маълумотларни тайёрлаш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг тизимли мониторингини амалга ошириш, таҳлилий материаллар билан таъминлаш, кадрлар учун илмий, методик ўқув-қўлланмаларни биргаликда ишлаб чиқиш лозимлиги ҳам билдириб ўтилди. Шунингдек, жойларда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг боришини ўрганиш, партия электорати ижтимоий кайфиятини тадқиқ этиш ва партия имиджи юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказишга ҳам келишиб олинди.

## ПАРЛАМЕНТДА АЙЁМ ШУКУҲИ

Мамлакатимиз бўйлаб "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" ғояси асосида юртимизнинг ҳар бир бурчагида байрам шодиёнлари ташкил этилмоқда. Ушбу тантаналарда озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт шукронаси жўш ураётгани айти ҳақиқат. Бу партияимиз жонкуярлари фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айём — Истиқлол байрами арафасида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари Азамат Пардаев "Содиқ хизматлари учун", Элдор Туляков "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу эътироф парламентда фракция аъзоларининг муносиб ўринга эғалиги, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фидокорона меҳнати самараси, десак муболаға бўлмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда партия фракцияси томонидан Истиқлолимизнинг 28 йиллик шодиёнлари олдидан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда сўнги йилларда юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон ман-



фаати ҳар нарсадан устун эканлиги амалда ўз исботини топаётгани, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг ижросида партияимиз фракцияси аъзоларининг ўрни алоҳида экани таъкидланди.

— Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини юксалтириш йўлидан бормоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Янги ёндашуларга асосланган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шаклланаётгани халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашидек

эзгу мақсадни ифодаляди. Биргина иқтисодиёт соҳасини олсак, сўнги уч йилда эртанги кун талабларига жавоб берадиган тизимли ислохотлар амалга оширилаётгани бошқа кўлаб соҳалар ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тадбирда, шунингдек, Марказий кенгаш раиси ўринбосарлари Нодиржон Мухторов, Феруза Муҳаммадждонова ҳамда партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбоевнинг мустақиллик йилларида амалга оширилаёт-

ган изчил ислохотлар ва уларнинг самаралари хусусидаги фикрлари тингланди. Тадбир якунида қонун лойиҳалари тайёрланишида иштирок этган ЎзМТДП фракциясининг барча аъзолари, партия вилоят кенгашларида фаолият юритувчи фаол ва ташаббускор ходимлар партия Марказий кенгашининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

■ Дилфуза МАҲКАМОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

# “ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ — Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ — Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ — Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР”

таниқли маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳар бир мактаб биносида шиор сифатида ёзиб қўйилиши шарт, деди давлатимиз раҳбари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни бўлиб ўтган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим ва тарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз борди.**



Мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи, дея таъкидлади мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Президентимиз атоқли француз адиби Виктор Ҳюгонинг: “Мактаб очган одам бамисоли қамоқхонани ёлгандек гап”, деган ҳикматли иборасини мисол келтирди. Бу нима дегани? Мактаб, таълим, тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга қирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурият қолмайди.

Юртимизда қамоқхоналар ёпилаётган ва маҳбуслар сони изчил камайишига эришилаётган аини паллада янгидан-янги мактаблар очилмоқда, мавжудлари эса янги давр талаблари асосида тубдан таъмирланмоқда. Хусусан, 11 йиллик мактаб таълими тизими тиклангани, шунингдек, сўнгги уч йилда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу билан бирга, улуғ алломаларимиз — Мирзо Улуғбек ва Мухаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг бахтиёр фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Кейинги уч йилда Президентимиз ташаббуси билан Наманганда — Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда — Ҳамид Олимжон ва Зулфияноним, Қаршида — Абдулла

Орипов, Марғилонда — Эркин Воҳидов, Нукусда — Ибройим Юсупов, Андижонда — Мухаммад Юсуф, Гулистонда — Ҳалима Худойбердиеванинг ижод мактабларига асос солинди. Ўз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Кейинги вақтда “Академиклар учрашуви” доирасида таниқли академик Қаландар Абдураҳмонов билан бирга ушбу ижод мактабларининг барчасида ўқитувчи ва ўқувчилар билан бевосита мулоқотлар ўтказдик. Ҳар бир мактабга ўзимиз муаллифи бўлган китоблардан тақдим этдик.

Мактаб жамоаси ишироқида биримиз — иқтисодиёт, иккинчимиз ҳуқуқшунослик фани билан боғлиқ жонли суҳбатлар уюштирдик. Бу суҳбатларнинг болалар учун қизиқарли ва фойдали эканини уларнинг ёниқ кўзларидан, изма-из берилган маъноли саволларидан билиб турдик. Ҳар гап бундан беҳад қувондик.

Нима учун Ўзбекистондан шу вақтгача Нобель мукофоти совриндори чиқмаган? Бу борада натижага эришиш учун нима қилиш керак?

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг ижод мактабида бўлган мактабларимизда бу саволларга муносиб жавоб топдик, назаримизда. Қарши шаҳридаги ушбу таълим даргоҳининг нафақат жонкуяр ўқитувчилари, балки илғор ўқувчилари ҳам дарсдан бўш вақтларида сеvimли шоиримизнинг сара шеърларини ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима қилиш ва нашр этириш билан шуғулланмоқдалар.

Инглиз тили — дунё бўйлаб кенг тарқалган ва қамрови, обрў-эътибори тобора ортиб бораётган тил.

Шу маънода, Абдулла Ориповнинг

ижод мактабидаги сингари миллий адабий асарларни инглиз тилига таржима қилиш ишларини изчил давом эттириш ва янада кенгайтириш лозим, деб ўйлаймиз. Бунинг учун, албатта, ҳар томонлама рағбат ва қўмак тақозо этилади.

Мазкур ижод мактаблари фаолиятдан озми-кўпми хабардорлигимизга таянган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг Президент мактаблари ва ижод мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида тузилма ташкил этилишига доир ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, мактабларда “вазир соати”, “тадбиркор ва банкирлар сабоғи” каби дарс амалиётларини жорий қилиш ҳамда уларда ижро органлари раҳбарлари, салоҳиятли тадбиркорлар, малакали банк ходимлари дарс ўтиши билан боғлиқ талаб ҳам ниҳоятда ҳаётийдир.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг диний уламоларимиз ҳам мактабларда маърифат, бағрикенглик, одоб ва ахлоқ илмларини, Имом Бухорий, Термизий, Мотрудий, Нақшбанд каби улуғ аждодларимиз маънавий меросини ўргатиши мақсада мувофиқ, деган фикрларини тўла маъқуллаймиз.

Зеро, улуғ аллома аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг: “**Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар**”, деган сўзлари бежиз эмас. Машҳур немис шоири ва мутафаккири Гётенинг “**Қонуларни қанча кўп ва яхшилаб ўқисак, уларни бузишга вақтимиз қолмайди**”, деган фикри замирида ҳам катта маъно яширин. Чунки билимми, ўқимшли одам маданиятли бўлади. Маданиятли одам қонуларни бузмайди, демак, жамиятда ўз-ўзидан жиноятчилик камаяди.

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хуротта мойил бўлиши ҳам ҳаётда кўп бора ўз исботини толган. Шу боис мактабнинг, таълим ва тарбиянинг аҳамияти бекиёс. Болаларимизга чуқур ва сифатли билим бериш билан бир қаторда қонулар ва одоб-ахлоқни, дину диёнат ва маънавиятни мактаблардан бошлаб пухта ўргатиш жуда муҳим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, куни кеча Президентимиз “Тарбия” фанини яратиш ва ўқитиш ташаббуси билан чиқди. Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янги асосда ташкил этиб, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш заруриги қайд этилди.

Биз бўлажак янги фанининг асосини, биринчидан, ўзбек тилини билиш устувор вазифаси, иккинчидан, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиш ташкил этиши лозим,

деган фикрдамиз. Нега деганда, халқ оғзаки ижоди миллий ғоя ва тарбиянинг ҳам асосидир.

Халқ оғзаки ижодида ватанпарварлик, адолат, миллатпарварлик, инсонпарварлик, юртсеварлик, эл-юртни ҳимоя қилиш, Ватанга садоқат ва муҳаббат каби хислатларни ўзида жамлаган миллий дунёқарашнинг асосий унсурлари ўз муассамини топган.

Халқ оғзаки ижоди — миллий ғурур, ор-номус ва қадр-қиммат, вафо ва садоқат, жасорат ва матонат, олижаноблик ва савоҳатпешалик, бағрикенглик ва ҳалоллик каби фазилатлар сандиғи. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари — бизнинг ҳам тарихий, ҳам маънавий, ҳам маданий, ҳам ҳуқуқий меросимиздир.

Ўз навбатида, “Ҳуқуқий тарбия” мавзуси “Тарбия” фанининг узвий қисми бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу фикрга келишимизнинг муайян сабаблари бор.

Гап шундаки, ўтган йили “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида белгиланган депутатлик сўрови асосида тегишли (8 та) вазирликлар тизимидagi таълим муассасаларида “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” каби ўқув предметлари бўйича билим берилишининг мавжуд ҳолатини ўрганган эдик.

**Бу борадаги таҳлиллар айнан Халқ таълими вазирлиги тизимида энг жиддий муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.** Хусусан, мактаб ўқувчилари ёши нуктаи назардан, қонунчилик талабига биноан “бола” деб ҳисоблангани ҳолда, Халқ таълими вазирлиги тизимида “**Инсон ҳуқуқлари — бола ҳуқуқи**” предметдан мутлақо дарс ўтилмапти. Ҳуқуққа доир фанларни ўқитишда бир мактабда ушбу фандан бир ставка ҳажмда ҳам педагогик юклама йиғилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида эса худди шу даврга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингига Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон таълим-тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

**Акмал САИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Демократик институтлар,  
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини  
ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси,  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси



# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИПАДИ?

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида”ги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бундан олдин ушбу масала бўйича Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раҳбари Алишер Қодиров олиб борди.

Фракция йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида”ги ҳисоботи эшитилди. Ҳисобот депутатлар томонидан партиянинг дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида аҳоли турмушини яхшилаш, иқтисодий тараққиёт, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида белгиланган устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилаётгани макроиқтисодий барқарорлик ҳамда давлат бюджетига белгиланган параметрлар ижроси тўла бажарилишини таъминламоқда. Хусусан, “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кечаётган ислохотлар экспорт ҳажмининг ортиши, ички бозорни арзон, сифатли, харидорғир маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг харид қобилияти ўсишига хизмат қилаётди.

Ҳисобот даврида мамлакат ялпи ички маҳсулоти қарийб 222 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсган. 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби мос равишда саноатда — 30,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалигида — 24,3 фоиз, қурилиш соҳасида — 7,6 фоиз, хизматлар йўналишида — 37,8 фоиз ўсишига эришилган. Иқтисодиётимиз тарихида биринчи марта инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши олдинги йиллардаги 25 фоиздан 38 фо-

изга ошган.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, жумладан, солиқ маъмуриятчилиги ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари қарийб 51 триллион сўмни ташкил қилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида эса 2,6 триллион сўмдан зиёд маблағ қолди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 бараварга кўп. Бу эса ҳудудларнинг мавжуд масалаларни молиявий жиҳатдан мустақил ҳал этишида муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Ёрқин Турсуновнинг маълумотларига қараганда, давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, кўйинги барча соҳа ривож учун яқунланган ярим йилликда аввалги ҳисобот даврига нисбатан сезиларли миқдорда кўп маблағ ажратилган. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолаётган маблағлар ҳам кам эмас.

Йиғилишда депутатлар ҳудудларга чиқиб, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан танишганда ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммо ва камчиликлар аниқлаётганини таъкидладилар. Аҳоли, айниқса, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидан ҳамон норози. Қишлоқ поликлиникаларида мутахассислар етишмайди, одамлар вилоят маркази, ҳатто пойтахтимизга келишга мажбур бўлаётди. Ушбу муаммо депутатлар томонидан бир неча йилдан буён кўтарилаётган бўлса-да, лекин



ҳамон ҳал қилинмаяпти. Баязи поликлиникаларда оддий шприц етишмайди, баъзиларига эса айрим дорилар керагидан ортиқ берилган.

“Биз молия вазири ўринбосари келтирган статистика маълумотларга энди одамларни ишонтира олмаймиз. Улар биздан муаммоларига аниқ, самарали ва тезкор ечим талаб

Чунки кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бюджет ташкилотлари томонидан давлат маблағларини талон-тарож қилиш, ноқонуний харажатлар, камомад, ўзлаштириш ҳолатлари ҳамон давом этапти. Хусусан, 3 минг 205 та бюджет ташкилоти текширилганда уларнинг 2 минг 620 тасида жами 54 миллиард сўмлик мо-

рени ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда арзон уй-жойлар қуриш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ўз вақтида, тўлиқ молиялаштириш амалга оширилганини алоҳида эътироф этди.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботларни кўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор қаратди. Аввало, партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ қонунчилигига тўла риоя қилишини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни янада кучайтириш зарур. Шунингдек, вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши борасидаги масъулиятини ошириш ва бу борада парламент назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Фракциянинг ушбу масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

■ Равшан МАҲМУДОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

Жиззах шаҳридаги мактабларнинг бирида 122 миллион сўмлик бюджет маблағи ўзлаштирилгани аниқланди. Ушбу мактабда 56 ёшли пенсионер ўқитувчи аёлга 2018 йилнинг сентябрь-ноябрь ойида ҳомиладорлик нафақаси ёзилган.

қилмоқда”, — деди фракция аъзоси Иноят Ҳожиёв.

Йиғилишда давлат бюджетидан ажратилаётган мақсадли маблағлар бошқа йўналишларга сарфланиб юборилаётгани танқид қилиниб, бу борадаги назоратни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Жумладан, муҳокамада депутатлар айрим бюджет ташкилотларида маблағлардан фойдаланиш аҳволи юзасидан ўтказилган текширишларда қатор хато ва камчилик аниқланганига эътибор қаратди. Бу борада мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджет ташкилотларида молиявий интизомга риоя этилишини тўла таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

лиявий хатоликка йўл қўйилган.

Мисол учун, Жиззах шаҳридаги битта мактабда 122 миллион сўмлик бюджет маблағи ўзлаштирилгани аниқланди. Ушбу мактабда 56 ёшли пенсионер ўқитувчи аёлга 2018 йилнинг сентябрь-ноябрь ойида ҳомиладорлик нафақаси ёзилган. Ҳатто мактаб қоровули бўлиб ишлаётган эркак кишига ҳам 2017 йилда шундай турдаги нафақа берилиб, мактаб директори давлат бюджетидан ажратилган маблағни шу тариқа талон-тарож қилган. Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Фракция аъзолари партия сайловолди Платформасидан ўрин олган таъдим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат, спорт соҳала-



# МАДИЖАЛАР ОЛДИНГА УТГИНИ!

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" демократик партияси аёллар ва ёшларга оид сиёсатини тубдан ўзгартирмакда

(Биринчи мақола)

**К**ўна Шарқ тарихи, маданияти ва қадриятлари, анъана ва урф-одатларини чуқурроқ таҳлил этсак, "Зиё — Шарқдан таралади", деган тугал фикр моҳиятини теранроқ англай бошлаймиз. Ҳар гал мазкур иборани эшитганимда энг аввало, ватанпарвар ва маърифатпарвар Шарқ аёллари кўз ўнгимда гавдаланиб, Тўмарис-у Бибиҳоним, Нодира-ю Жаҳон отин Увайсий, Зулфияхоним ва Ҳалимаҳоним Худойбердиеваларни маънавий жасорат тимсоллари сифатида ёдга олавераман.

XIX асрнинг 70-йилларида франциялик этнограф олима, мусаввир Бурдон хоним Урта Осиё халқларининг ҳаёт тарзи билан танишиш жараёнида аёлларнинг одоби, уларнинг фарзандларга муносабати, ўзбек аёлининг ўз уйида, тўй-маросимлар, қўни-қўшиллар билан мулоқотда ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси уни ҳайратда қолдирганини таъкидлайди. "Биз, маданиятлашган Европа аёллари ахлоқ-одоб ва ифратни туркистонлик аёллардан ўрганмоғимиз жоиз экан, — деб ёзган эди у ўз тадқиқотларида. — Лестафт, Дидро назарияларидан мулоқоқ беҳабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланма ёзсалар арзийди".

Аёллар таълимига танқидий ёндашувлар авж палласига етган XIX аср бошларида ҳам Маҳмудхўжа Бехбудий миллатнинг илм-маърифат эгаллашдаги тақдирини асосан хотин-қизлар қўлида эканини таъкидлаган эди. "Тараққий этган миллатлар оналарини ўқитар экан, биз аввал онамизни ўқутиб, анга тил ўргатмоқимиз керак. Чунки бизнинг илм ва тилсилгимиз алардандир", деган эди мутафаккир ватандошимиз Маҳмудхўжа Бехбудий.

Хулоса шуки, давр, замонлар ўзгарса-да инсонни камолотга ундовчи йўл — юксалишнинг классик формуласи ўзгармади. Илм барча замонларда ҳам нажот йўли бўлиб келди. Лекин афсуски, замонлар ўтиб ушбу масалаларга бўлган қарашларимиз ўзгарди. Шунинг учун бугунга келиб ана шу ўзгаришларга ҳолисона баҳо бериш тақозо этилмоқда. Зеро, тезкор давр, тараққийёт ўзбек аёлининг бугунги қиёфасига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап. Бугунги ўзбек аёлининг замонавий қиёфаси хусусида фикр юритишдан олдин эса жамиятимизда кечаётган ўзгаришларга тўхталмоқ жоиз.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нега Президентимиз аёлини 5 та муҳим ташаббуснинг бири сифатида хотин-қизлар бандлиги масаласини белгилаб берди? Сенатга нима учун аёл киши раҳбарликка тайинланди? Нима учун парламентнинг ҳар иккала палатасида хотин-қизлар масаласи билан шуғулланадиган тузилмалар пайдо бўлди? Нима учун ўтган йиллар мобайнида Конституциянинг 46-моддасида "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", деган модда мустаҳкамлаб қўйилган бўлсада, анча йиллардан бери муҳокама этиб келинаётган "Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Аёлларни таъйин ва зўраволиклардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш масаласи кун тартибига қўйилди? Нега Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти тубдан ислох

қилинди? Нима учун кейинги 3 йил мобайнида мазкур ташкилотда хотин-қизларга ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий кўмак кўрсатадиган янги тузилмалар ташкил топди?

Ўтган қисқа давр мобайнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган 2 та Президент фармони ва 2 та қарори, 6 та ҳукумат қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди.

Аммо шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қўниий манфаатларини ҳимоя қилишда қўни ижодкорлиги ва парламент

партияси ўзининг сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда низоҳатда муҳим иккита масалага эътибор қаратмоқда.

Биринчиси, хотин-қизларга тааллуқли бўлган қўнунларнинг ижроси юзасидан депутатлик ҳамда парламент назоратини ўрнатиш ва янги қўнунчилик ташаббусларини илгари суриш.

Иккинчиси, партия "Аёллар қаноти" институти орқали қарорлар қабул қилиш жараёнига турли соҳа ва тизимларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларни жалб этишга эришиш.

Аслида сиёсий партия жами-

Қачон сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" сиёсий фаоллики шунчаки иммитация қиладиган тузилмадан хотин-қизлар муаммосини аниқлайдиган ва реал ҳал этадиган кучга айланади?

назоратини таъминлашда қўтилган натижаларга эришилмаяпти. Бинобарин, вакилик органларидаги депутатлик бирлашмалари томонидан хотин-қизлар фаолиятига оид бир қанча масалалар сессиялар муҳокамасига олиб чиқилиб, қанча депутатлик сўровлари мутасадди ташкилотларга юборилди, деган саволни беришга ҳақимиз. Қолаверса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бугун сиёсий партиялар қандай йўл тутишлари лозим? Бу борада миллий тажрибани янада бойитиш, эскича ишлаш услубидан воз кечиш ҳамда халқаро тажрибанинг энг яхши намуналарини ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

Гарчи депутатлик корпусида аёллар сони кам бўлса-да аммо мавжуд салоҳиятдан қўни ижодкорлиги борасида самарали фойдалана олаётимизми? Ўтган 5 йил мобайнида барча даражадаги депутатлик тузилмаларида қандай қўнунчилик ташаббуслари вевосита депутат хотин-қизлар томонидан кўтарилди? Қачон сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" сиёсий фаоллики шунчаки иммитация қиладиган тузилмадан хотин-қизлар муаммосини аниқлайдиган ва реал ҳал этадиган кучга айланади?

Албатта, бундай саволларга ўз вақтида жавоб беролмайдиган сиёсий куч танқидлар нишонига айланганиш мукаррар, шундай бўлапти ҳам. Шу боис юқоридаги масалалар шунчаки саволларнинг кетма-кетлиги эмас, балки сиёсий партиялар томонидан кечиктирмай ҳал этилиши зарур бўлган масалалардир.

Ана шундай ҳақли талабдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик

янда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлайдиган куч сифатида гендер масаласига алоҳида эътибор қаратиши жоиз. Дунё миқёсида хотин-қизлар улushi салмоқли бўлган парламентлар фаолиятини таҳлил этиб, гендер тенглигини таъминлашга ёрдам берадиган иккита муҳим омилни келтиришга қарор қилдик.

Биринчиси, бу хотин-қизларнинг сиёсатга жалб этишда улур манфаатини самарали ҳимоя қила оладиган ташкилот ва турли ҳаракатларнинг мавжуд бўлиши. Иккинчиси, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат талабларининг мавжудлиги ва партияларнинг гендер тенглигини таъминлашдаги сазй-ҳаракатлари.

Гендер кўрсаткичлари турли тузилмалар, халқаро ташкилотлар ва ҳатто молиявий муассасалар томонидан баҳолиниб бораётган бир пайтда, сиёсий партиялардан ҳам бу борада жиддий тақлифлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Зеро, Юртбошимиз бугунги кунда аёлларнинг сиёсий онги ва дунёқарашини ошириб бораётганини инобатда олиб, парламент аъзоларининг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этишга қарамасдан, бу кўрсаткич кўпайтирилса, адолатдан бўлишини таъкидлашди.

Маълумки, яқинда Жаҳон банки томонидан 187 та мамлакатда аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни ўрганиш учун "Аёллар, бизнес ва қўнун" номи тадқиқот ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, Ўзбекистон гендер тенгсизлиги даражаси бўйича 100 имкониятдан 70,6 балл тўғлаб, МДҲ мамлакатлари орасида энг охириги ўринни эгаллади. Ушбу кўрсаткичлар яхшилангани учун эса мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда сиёсий партияларнинг "Аёллар қаноти" ҳам фаол иш олиб бориши,

энг аввало ушбу муҳим масалага нисбатан ўз муносабатини ўзгартириши керак. Бу борада жаҳон тажрибасидан ҳам ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар талай. Масалан, Италияда ҳар бир сиёсий партия молиявий маблағларнинг камиди 5 фоизи хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлашга сарфланар экан. Финляндия ва Ирландияда ҳам партияларга ажратилдиган маблағлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Канадада эса Либерал партия томонидан Друджи Ламарш номидаги махсус жамғарма таъсис этилган бўлиб, партия айнан ушбу тузилма орқали номзод хотин-қизларга молиявий кўмак кўрсатади. Мазкур фонд фаолияти Канаданинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинишини ҳам таъкидлаш жоиз. Коста-Рикада эса ижтимоий-сиёсий тенгликка эришиш учун давлат томонидан ажратилган маблағнинг 15 фоизи хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашга сарфланади. Коста-Рикадаги "Миллий озошлик" партияси Низоимнинг 171-бандида ташкилот бюджетнинг 10 фоизи хотин-қизлар фаолиятига йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда Гондурас, Ирландия ва Коста-Рикада сиёсий партияларнинг ҳисоботларида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган маълумотларни тақдим қилиш қатъий талаб этилишини таъкидлаш жоиз.

Мексика қўнунчилигида ҳам давлат харажатларнинг 2 фоизи хотин-қизларнинг сиёсий лидерлиги қобилиятларини ривожлантиришга ажратилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Америка Қўшма Штатларининг Республикачилар партиясида ҳам 1992 йилда ишлаб чиқилган "WISH" (Аёллар Сенатда ва Вакилик палатасида) рўйхати ташкил этилган. Ушбу рўйхат молиявий ресурсларни жалб этиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва стратегик кўмак бериш, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш каби қўниқималарини шакллантириш мақсадида ташкил этилган. "WISH" рўйхати доирасида ҳар йили 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ хотин-қиз номзодларни қўллаб-қувватлашга сарфланади. Натижада Республикачилар партияси ушбу ҳаракатлар эвазига ҳам Сенатда ҳам Вакилик палатасида хотин-қизлар сони бўйича 4 баробарга кўпайган.

Хулоса, ушбу йўналишда ҳар бир давлатнинг ўзига хос қўнунчилик тизими мавжуд бўлиб, бу тажрибаларни ўрганиш Ўзбекистон учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА,**  
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари

# ЭРКИН ФИКР ЙЎҚ ЖОЙДА РИВОЖЛАНИШ БЎЛМАЙДИ

Бугун турли ғоялар, мафкураларнинг инсон онги ва қалбини забт этиш мақсадидаги ўзаро кураши ҳар қачонгидан кўра шиддатли тус олмақда. Шу ўринда машҳур ҳинд арбоби Маҳатма Гандининг "Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим Маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-гўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман", деган фикрларини эсга олиш жоиз. Дарҳақиқат, деразани очганимизда хонага тоза ҳаво билан бирга ташқаридан, албатта, чанг-ғубор ҳам кириб келади. Биз айти пайтда турли воситалар орқали деярли ҳар кунини ўқиш ва ахборотни қабул қиламиз. Бироқ улар орасидан фойдалисини танлаш ва топиш имконияти ўзимизга боғлиқ.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ташкил қилган "Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишда ахборотлашган жамият ва ахборот маданияти" мавзусидаги очиқ мулоқотда шу ҳақда сўз борди. ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Маданият вазирлиги ва бошқа идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда ёш авлод онгу шуурига ёт ғоялар таҳдид солаётгани, бу, айниқса, ҳозирги глобаллашув даврига хос жараён эканига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сўз эркинлиги, эркин мушоҳада жамиятда турли соҳаларда туб бурилиш ясагача замин яратадиган, — деди партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, дунёда кечаётган аёвсиз рақобат муҳитида мафкуралар ўртасидаги кураш тобора кескинлашиб борапти. Оқибатда бузғунчи ғоялар, носоғлом қарашлар кучаяётир. Бу иллатларни халқимиз, айниқса, ёшлар дунёқарашини ўзгариштириши йўл қўймаслик асосий мақсад-вазифаларимиздан бирига айланмоғи керак.

Ўтказилаётган дебатлар, очиқ мулоқот ва давра сўхбатлари глобаллашув даврида кечаётган ўзгаришларга муносабат, жамиятдаги муаммолар, партия фаолиятидаги камчиликларни очиқ-ойдин муҳокама қилиш, кейинги фаолиятимизни аниқ белгилашда дастуриламал вазифасини ўтайди.

Мулоқотда ҳар қандай жамият ўзаги, тараққиёт асосини маданият ташкил этиши таъкидланди. Инсон борки, ўз ҳаётининг ҳар лаҳзасида ё ахборот олади ё уни идрок этади ёки узатади. Ушбу уч жараённинг тўртинчиси — кераксиз ахборотдан халос бўлиш жараёнидир. Биз ахборот эркинлиги ҳақида гапирар эканмиз, жаҳон миқёсида кераксиз ахборотдан қутулиш муаммоси ҳам пайдо бўлганини тан олишимиз керак. Ахборот маданияти мазкур тўрт босқичли жараёнда яшаш ҳамда фаолият юритишга замин яратиб, доимий ёрдамчига айланади. Ахборот алмашинуви жараёни соҳалар, жамиятлар, мамлакатлар, минтақалар ва дунё миқёсида кенг қўламда кечаётганини тасаввур қилсак, ушбу масаланинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти нақадар улкан эканини янада чуқурроқ ҳис этамиз. Бироқ мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар қаторида фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг

вужудга келиши ҳамда ташқи ва ички ахборот таҳдидлари таъсирининг кучайиб бориши давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Интернет орқали ноҳолис ахборотларнинг оммавий тарқалаётгани долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Энг хавфлиси, бу жараёнда балоғат ёшига етмаган болалар ва ёшлар ана шундай ахборотлар истеъмолчисига айланиб қолаётир. Агар ёшлар ривожланишининг физиологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олсак, улар тарқатилган ахборотлар қурбонига айланмаслигига ҳеч қандай қафолат йўқлигига амин бўлаемиз.

Тадбирда шунингдек, ахборот оқими шиддати ортгани сайин одамларда индивидуаллашувга мойиллик ҳам кучаяётганига эътибор қаратилди. Аммо шунга қарамай, улардан тўғри фойдаланишга эришиш ниҳоятда долзарб масалага айланганини депутатлар алоҳида таъкидладилар. Очиқ мулоқот якунида иштирокчилар томонидан миллий юксалиш ғоясини амалга оширишда ахборотлашган жамият ва ахборот маданиятини шакллантириш, миллий ахборот маконини янада барқарор ривожлантириш мақсадида ахборот соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар берилди.

ЎзМТДП Марказий ҳамда ҳудудий кенгашларда партия Дастури ҳамда 2020-2025 йилларга мўлжалланган янги сайловолди Платформаси лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

## САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМА: У ҲАЁТГА ЯҚИН БЎЛИШИ КЕРАК

Пойтахтимиздаги "Дўстлик саройи" да партия Марказий кенгаши ташаббуси билан юртимиздаги миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида ўтказилган очиқ мулоқотда мамлакатимизда бағрикенглик, миллатлар ва динлараро муносабатларни таъминлаш давлат сиёсатининг ўстивор йўналишларидан бири ҳисобланиши таъкидланди. Бугун мамлакатимизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда.



"Миллий тикланиш" демократик партияси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини қайта тиклаш ва кўпайтириш, шунингдек, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни янада мустақамлаштиришнинг асосий вазифаларидан, деб биллади. Партия бу жараёнда фаол иштирок этиб, мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Хусусан, партия 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси билан ҳамкорликни фаоллаштириш, хорижий давлатлар жамоатчилигини Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан таништириш тарафдори.

Тадбирда марказ вакиллари партия Дастури ва сайловолди Платформасини такомиллаштириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Партия сафида бўлиш истagini билдирган миллий маданий марказлар вакиллари "Миллий тикланиш" ДПнинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЎзМТДП Жиззаб вилоят кенгаши партия Дастури ва 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган дебат ташкил этди. Дебатда иштирокчилар томонидан янгиланаётган сайловолди Платформани такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифлар билдирилди: — Маънавият ва маърифат масалаларини янада кўпроқ реклама қилиш, уларнинг асл моҳиятини фуқароларга етказиш ҳамда бу борада тарғибот ишларини кучайтириш; — Маданият марказларининг моддий-техник таъминоти ва партия Платформасига уларни ривожлантиришга қаратилган

алоҳида банд киритиш; — Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарувчиларга имтиёз ва преференциялар бериш орқали импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришини янада рағбатлантириш; — Фориш туманининг туристик салоҳиятини янада кенгайтириш, Платформанинг туризмга боғлиқ бандларига ҳудудий жиҳатдан ёндашиш; — Платформанинг ижтимоий соҳалардаги вазифаларни кенгайтириш, унга тиббиёт, спорт бўлиmlарини киритиш. Тадбирда билдирилган тақлифлар асосида партия сайловолди Платформасини янада мукамал ҳолга келтириш, бундай дебатларни туманларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

\*\*\*


ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Гулистон шаҳрида ўтказган дебатда партия Дастури ва сайловолди Платформаси лойиҳаси яна бир бор муҳокама қилинди. Партия Ховос туман кенгаши раиси Бобур Кўчимов иқтисодий соҳадаги вазифаларга тўхталиб, кичик бизнес вакиллари учун ажратилаётган кредит фойзаларини республика бўйича бир хил эмас, аксинча, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб белгилаш тақлифини билдирди.

Четдан инновацион технологияларни харид қилишга чек қўйиш мақсадида иқтидорли ёшларни тўллаб, уларнинг яратувчанлик ва илланувчанлик қобилиятларини янада оширишга кўмаклашиш, ҳозирги замон талабига мос лабораториялар ташкил қилиш, таълим тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритиш лозим.

Дебатда, шунингдек, вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш, маҳаллий хунармандларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш, хунармандчиликка йўналтириш, ёшларни китобхонликка қизиқтириш борасида турли лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда жозибадор меҳнат бозорини яратиш каби тақлифлар илгари сурилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,  
Сардор МУЛЛАЖОНОВ(фото),  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

# ВАТАН ОЛДИДАГИ



Бу йил истиқлол байрами шукуҳи ҳар қачонгидан ҳам ўзгача кечмоқда. Замон шиддати, давр руҳи, бугунги ҳаётнинг ўткир талабларига мос равишда руҳиятимиз ҳам ўзгармоқда, тиниқлашмоқда. Ана шу муқаддас замин билан бир бутун эканлигимизни ҳис қиляпмиз, ҳаёт ҳақиқатлари ичида рост яшашга ўрганипмиз.

Тўғри, муаммолар бор ва улар босқичма-босқич ҳал қилинаётгани ҳам ҳақиқат. Кўнгилга таскин берадигани — бугун раҳбарлар муаммолардан қочаётгани йўқ, аксинча уларнинг ичига янада чуқурроқ кириб бормоқда. Халқ ва давлат ўртасида узвий уйғунлик юзага келди.

Назаримизда, ошкоралик муҳити боис унча-бунча ютуққа табиий бир ҳолдек қарашга ўрганиб қолгандекмиз: гўё ойда-ойаро бўй кўрсатиб бораётган обод манзиллар, ҳаётимиздаги

янгилинишлар-юксалишлар худди ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолаётгандек. Йўқ, аслида мамлакатимиз ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш, ёшларимизнинг ҳар ютуғи замирида миллионлаб инсонларнинг залворли меҳнати, энг муҳими, аниқ ва қатъий мақсад турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ги қарори асосида мамлакатимиз бўйлаб “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” бош ғояси асосида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам ана шу ҳақиқатлар бот-бот таъкидланмоқда. Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида адабиёт, санъат, спорт, фан, таълим, маданият соҳасида кўплаб ютуққа эришган ҳамюртларимизнинг дил изҳорларига кулоқ тутдик.

## Истиқлолга амажаним ҳали кўп...



**Файрат  
МАЖИД,  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси  
раиси  
ўринбосари:**

— Биласизми, “Мустиқиллик сизга нима берди?” деган савол менга бироз эришдай туюлаверади: келинг, шу саволни ўзгартаримиз, дейман. Яъни “Мустиқиллик, шу юрт тараққиёти учун мен нима қилдим?”

Ижодқормиз-да, кўп ўйга толаман: “Адабиёт учун нима қилдим?”, “Оилам, фарзандларим учун нима қилдим?”. Буларни жамласангиз “Ватан учун нима қилдим?” деган яхлит савол пайдо бўлади. Шу ўринда устоз Абдулла Ориповнинг:

... Ёнган чирогингга дуо пилиқдир,

Қўлинг баланд бўлса, билки бу — неъмат,

Қўлинг даст тушмоғи тиланчиликдир,

деган сатрлари бот-бот хаёлимдан ўтаверади. Негаки, бу мисралар Ватан олдида қўлни очиб тиланиш эмас, қилган эзгу амалларимиз орқали қўлимиз, қаддимиз баланд бўлиши кераклигини эслатаверади.

Бир нарса, яъни мен ўзимни меҳнаткаш одам деб ҳисобламайман. Баъзан ҳар кунлик бажараётган вазифаларимдан кўнглим тўлмай яна нималардир қилишим лозимлигини ўйлаб виждоним олдида қийналаман ҳам.

Лекин бефарқ, лоқайд одамларни ёқтирмайман. Тийрак нигоҳ билан яшашни яхши кўраман. Бу эса Ватан меҳри олдидаги масъулият ҳисси бўлса керак.

Хизмат сафари билан Ҳиндистонда бўлдик. Тожмаҳалга кириш учун йигирма доллар атрофида маблағ сарфланар экан. Аввалида улуғ боболарим куриб кетган бу даргоҳга шунча пул тўлаб кириш бироз ғашимни келтирган эса-да, у ердаги дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларнинг эътибори ва эътирофи алдамчи хаёлларимни бир зумда тарқатиб юборди. Маълум бўлишича, Тожмаҳални кўриш учун йилига саккиз миллион сайёҳ ташриф буюраркан. Буни эшитиб аждоқларимизга, улар амалга оширган буюк ишларга қайта-қайта иймон келтирдим. Мана, бизнинг ҳазрат боболаримиз қандай хайрли ишлар қилишган. Бу битта миллат ёки бир халққа эмас, бутун инсониятга нимадир бериш дегани. Биз аждоқларимиз каби онажон юртимиз, халқимиз учун хизмат қилишимиз керак-да. Шундай эмасми?!

“Истиқлол менга нима берди?” деб яшаш бу — таъма. Аслида ҳар бир даврда хоҳлаймизми, йўқми таъмагир инсонлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Аммо ижодкор таъма билан яшамаслиги керак. Мавлоно Лутфий, Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур, Қодирий, Чўлпон сингари аждоқларимиз камолотида таъманинг йўқлиги сабаб неча асрлар ўтса ҳамки адабиёт зарварақларида зарҳал ҳарфлар ила ўрин эгаллаб келмоқда.

Ҳазрат Навоий:

Кечди умрим нақди ғафлат бирла нодонлиғда, хайф.

Қолгани сарф ўлди андуху пушаймонлиғда, хайф, деганида ва ҳикматга кон ушбу сатрлари аслида улкан адабий мерос қолдирган улуғ бобомизнинг “умрим

ғафлат бирла ўтди”, дея афсусланиши бизни тегишлича хулоса чиқаришга ундайди. Уларнинг меросини ўрганиш, ҳақ йўлида юриш, масъулиятни доимо ҳис қилиш Ватан олдидаги бурчимизни адо қилишда дастак бўлади.

Ўқинда “Бунда булбул китоб ўқийди” номли тўплашим нашр қилинди. Мазкур тўпланда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, Исҳоқжон Тўра Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ҳамда Муҳаммад Юсуф сингари маънавият заҳматкашларининг номлари билан аталувчи ижод мактаблари ҳақида батафсил сўз юритилади. Ушбу китоб ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, улар қалбида улуғ аждоқларга муносиб бўлиш бурчи ва масъулиятини шакллантириш йўлидаги ижодкор сифатида яна бир қадам олдинга одимлаб, миллат ривожига оз бўлса-да қўшган ҳиссам, деб ҳисоблайман.

Яна бир гап. Келажакда бу китобнинг тўлдирилган нашри эълон қилинишини ҳам олдимга мақсад қилиб турибман. Чунки Хоразмда Муҳаммадризо Оғаҳий, пойтахтимизда Абдулла Қодирий, Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номдаги ижод мактаблари барпо этилмоқда. Аввалги китобдаги аънанани давом эттирган ҳолда бу нашрда ҳам улуғ адибларимиз ҳаёти ва ижоди, уларнинг номи билан аталадиган мактаблар ҳақида баҳоли қудрат мулоҳазалар юритиш ниятим бор.

“Сўз гавҳардир” деган қадим эътироф ҳар бир ижодкорнинг кўнглида муқим жой эгаллаганлигига шубҳа йўқ. Шу маънода шундай китоблар билан маънавиятимиз ривожига, ҳақиқий ижод билан адабиётимиз тараққиётига озгина ҳиссам қўшилса истиқлолга атаганим шу деб ҳисоблайман.

# ҚАРЗДОРЛИК

## Санъат илм билан мукаммал асли...



**Илès АРАБОВ,**  
"Ниҳол" мукофоти  
совриндори,  
хонанда:

— Ота-онамнинг қувончи ичига сиғмай бир-бирига айтган шукроналик руҳидаги сўзлари кечагидек ёдимда... "Кел, ўғлим янги олиб берган мактаб кийимларингни кийиб кўр-чи, ярашибдими, баҳо берамиз, ахир эртага мактабга борасан-ку". "Аяжон, кеча кийиб кўрганымда ярашганини айтгандингиз-ку?!" дейман болаларча ҳайратланиб. Онам мийғида кулиб отамга яна нималардир дегандек бўлди. "Ҳамма оналар ҳам фарзанди 1-синфга чиқаётганида шундай хурсанд бўлса керак-да" деб ўйлай бошладим...

1991 йил 1 сентябрь. Ўзбекистон шу куни мустиқилликка эришганини бутун дунёга ошкор қилди. Энг қувончлиси, ўша куни камина ҳам мактабга илк қадам қўйдим. Қувончим ичимга сиймасди: тезроқ тонг отса-ю, оқ кўйлак қора шимни кийиб, қалам, дафтар, китоб солинган сумкамни олиб мактабга борсам...

Орадан йиллар ўтиб, мен илк бор мактабга борадиган кун арафасида ота-онамнинг севинчи икки карра кўпайгани бежизга эмаслигини англай бошладим. Энди билсам, кунлар кетидан ойлар бир-бирини қувлаб борар экан, мустиқиллик, унинг нақадар қадри экани ўспирин кўнглимда санъатга бўлган меҳрим орқали жўш ура бошлаган. Умумтаълим мактабда ўқиш билан бирга Бухоро шаҳридаги 5-сон болалар музика мактабда ҳам дутор чолғусига ихтисослашган синфда ўқиб бошладим. Бу орада мақом ижрочилигига ҳам қизиқишим ортиб боради. Аввало юртимиз саҳналарида эришган ютуқларим аста-секин дунё саҳналари томон етаклади. Франция, Германия, Португалия, Белгия, Қироллиги, АҚШ, Исроил, Эстония, Литва давлатлари катта саҳналарида ўзбек санъатини тарғиб этишга ўз хиссамни қўшганимни мустиқиллик шарофати деб биламан.

2016 йил Исроил давлатида бўлиб ўтган халқаро "Шашмақом" фестивалида Шашмақомнинг йирик шўбаларини ижро этганим, 2017 йил Эстония давлатида бўлиб ўтган "Қадимги куй ва кўшиқлар" фестивалида қатнашиб танбур, дутор ва сато созлари орқали мумтоз куй ва ашулаларни куйлаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлганим, ўтган йили Боку шаҳрида бўлиб ўтган V халқаро "Муғом олами" фестивалида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганимни истиқлол берган имконият, санъат аҳлига эътиборнинг яққол кўриниши сифатида қадрайман.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Анъанавий чолғу ижрочилиги" кафедраси катта ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб келмоқдаман. Биласизми, талабалик пайтида, яъни бундан 15 йиллар илгари курсдошларимнинг назариядан кўра кўпроқ амалиётга қизиқиши яққол намойён бўлиб турарди. Аммо ҳозирги кунда талабалар орасида амалий машғулотлар билан бирга назарий билим эгаллаш, илмий изланишга иштиёқнинг ортиб бораётгани бизни қувонтирмоқда. Негаки, ўзбек ва дунё санъати тарихи ва бугунги ҳолатини ўрганмай туриб, яхши санъаткор тарбияланмайди. Яна бир қувонарли ҳолат, истиқлол тенгдошлари орасида фалсафа доктори, фан доктори илмий даражасига эга бўлаётган ёшлар етишиб чиқаётгани санъатимиз илмий мероси янада кенг ўрганилаётганидан далолат.

Ҳар йили истиқлол айёми арафасида илк бор мактабга борган куним, ота-онамнинг севинч тўла нигоҳлари кўз олдидан бирма-бир ўтади. Мактаб остонасига биринчи қадамим — мен улғайган илк кундир. Демак, мен истиқлол билан бирга улғаймоқдаман.

## Ғалабамиз — Ватанга раҳматимиздир!



**Нодиржон МИРЗАХМЕДОВ,**  
бокс бўйича Осиё  
чемпиони:

— ...Ўзбекистон мадҳияси янграмоқда. Ғолиблик шохсупасида турибману, ич-ичимда ҳам севиниб, ҳам ҳаяжон ва ғурурга ўхшаш бир кучли ҳиссийёт бутун вужудимни қамраб олган. Қадри оҳанг ва сўзлар мени янада ғурулантирмоқда. Қўлим кўксимда, шу дамда ўн олти йил олдин отамнинг мени илк бор бокс тўрагига олиб боргани, устозимнинг "Сабр, меҳнат ва чидам — спортчининг дастуриламали" дея берган насиҳати хаёлимдан ўта бошлади...

Бу ҳаяжонли ҳолат шу йилнинг апрель ойида Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида юз берган эди. Мен қатори ҳамюртларимиз Миразиз Мирзахалилов, Бобо Усмон Батуров, Баҳодир Жалолов ҳам турли вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар. Шунда кўксимга тақилган олтин медаль юртимизда спортга бўлган эътиборнинг самараси деб қабул қилдим. Негаки, иштиёқ бўлса-ю эътибор ва рағбат бўлмаса, ҳар қандай ҳаракат самарасиздир.

Шукрки, Ўзбекистон деган жаннатмонанд ўлкада туғилганман. Бир куни уйимиздаги фотосуратлар ичидан онамнинг чақалоқ кўтариб тушган расмини топиб олдим. Сурат тағига "Истиқлолимизнинг 3 йиллиги муборак бўлсин" деб ёзилган экан. Жуда таъсирланиб кетдим. Нимага дейсизми? Истиқлол шабадалари эса бошлаган пайтда дунёга келганимдан.

Биласизми, кўп спорт турлари қатори бокс инсондан нафақат жисмоний етуклик, балки ақлий маҳорат, дадил ва тез фикрлашни, қатъият ва иродани талаб қилади. Шу боис ушбу спорт турига иштиёқманд жуда кўп. Бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, халқаро турнирлар иштирокчиси бўлганман. Аммо ҳали бу йўналишда ўрганишим лозим бўлган жиҳатлар талайгина. Устозларим Ренат Юсупов ва Бекзод Хидиров доим интилишдан тўхтамаслигини, мақсадга фақат ҳаракат орқали эришиш мумкинлигини таъкидлашади.

Ҳали ёшман. Орузи истақларим бисёр. Мен сингари спортга иштиёқманд тенгдошларим жуда кўп. Бизнинг ҳар бир ютуғимиз, ёшларга, спортга эътибор аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқаролар ҳаёти сифатини яхшилаш йўлида олиб борилаётган тинимсиз саъй-ҳаракатларнинг натижасидир. Бунга жавобан эса биз дунё ареналарида бундан-да юксак марраларга эришишимиз, ўзбек фарзанди қандай бўлишини ўз ғалабаларимиз орқали исботлашимиз керак. Бу эса бизнинг истиқлолга туҳфамиз, Ватанга раҳматимиз бўлади.

## Тил билганга минг танга...



**Самандар ИСМОИЛОВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги Ўзбекистон  
"Миллий тикланиш"  
демократик партияси  
фракцияси ижрочи  
котиби:

— Истиқлол айёми шукуҳини бугун ёзги таътилни тугатиб, қадрдон мактаби, соғинган дўстлари кучоғига ошиқаётган болаларнинг завқи-ю, жазирама иссиқдан толиқиб, ёқимли мезон шабадасида энгил тин олаётган юртдошларимизнинг қиёфаси ва кайфиятидан ҳам яққол сезиш мумкин.

Ушбу байрам арафасида негадир ўқувчилик йилларимни кўп эслайман: мактабимизга биринчи марта компьютер олиб келингани, одатда қаров-сиз, кўмир ҳидига тўйиниб кетган деворларнинг келгунимизча оппоқ рангга кириб қолиши ва гўё янги дунёга қадам қўйгандек қувонганим беихтиёр хотирамда гавдаланади.

Ўқув йиллари айни шу мустиқиллик туфайли инглиз тилини чуқур ўрганишга киришдим. Ҳаётимизга Интернет кириб келди ва у асосий ахборот манбаига айланди. Инглиз тилида ахборот олиш имконияти янада кенгайди. Ёшлар ҳеч қандай тўсиқларсиз дунёдаги ривожланган электрон дастурларга асосланган таълим тизимидан фойдаланиб, халқаро меҳнат майдонида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Шараф билан айта оламанки, мустиқиллик йилларида ўсиб-улғайган кўплаб тенгдошларим сафида мен ҳам ёшларга берилаётган имтиёزلардан унумли фойдаланиб дунёнинг энг нуфузли университетларидан бири — Буюк Британиянинг Вестминстер университетини ўз юртимизда ўқиб тамомладим. Ушбу таълим даргоҳида дарслар тўлиқ инглиз тилида олиб борилади. Талабалик давримда, халқаро стандартлар асосида инглиз тилида таълим беришаркан, дунёнинг ривожланган мамлакатларидан келган профессор-ўқитувчиларни ўз билим ва салоҳияти билан ҳайратга солган кўплаб тенгдошларимни учратдим. Бу эса хоржий тилларни ўрганишда юртимизда барча имконият яратилганининг самараси эди.

Университетини тамомлаб, ўз ихтиёрим билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзоси бўлдим. Сиёсий жараёнлар, партияларнинг ўзаро баҳс-мунозаралари, депутатларнинг фаолияти, ҳуллас, қайноқ парламент ҳаёти менга жуда маъқул бўлди.

Тарихдан маълумки, улғу аждодларимиз дунё тамаддуни ривожига кучли таъсир кўрсатган. Биз ана шундай кишиларнинг авлодимиз. Биз бугун нега уларга муносиб бўлмаслигимиз керак?

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонимиз озод юрт сифатида дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Энди юртимизнинг миллий юксалиш йўлида бардавомлигини таъминлаш кўп жиҳатдан биз ёшларга боғлиқ. Ватанимиз озодлиги менинг тақдиримни ўзгартириб юборган бўлса, мен ҳам юртимнинг тараққиётини таъминлаш учун фидойилик кўрсатиб ишламоғим шарт, деб ўйлайман. Бу ўй кун сайин кучли ишонч, қатъий позицияга айланиб бормоқда.

■ "Milliy tiklanish" мухбири  
Дилфуза МАҲКАМОВА сўхбатлашди.

## ВАТАНПАРВАРЛИК — МАМЛАКАТНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда партия Тошкент вилоят кенгаши вакиллари “Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир” лойиҳаси доирасида Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмнинг Чирчиқ дала ўқув полигонига бўлди.



лар, бу борадаги қонунларимизни янада такомиллаштириш бўйича қилинаётган ишлар, ЎзМТДП ғояси, партия Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси билан таништирди.

— Ўзбекистонда сўнги уч йилда мудофаа, Қуролли Кучлар тизимида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди, — деди партия раҳбари ўринбосари А.Ҳамроев. — Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, бугунги дунёдаги глобаллашув жараёни ҳамда миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда илк бор янгиланган очиқ Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Натижада мамлакатимиз ҳарбийларининг халқаро ҳамкорлиги янада кенгайди, ўзаро тажриба алмашиши кучайди. Қуролли Кучларимизнинг жангвор шайлиги ва тайёргарлиги янги сифат босқичига кўтарилди. Қадрлар тайёрлаш тизими тубдан яхшиланди. Моддий-техник база янгиланди, замонавий қуроллар билан таъминлаш даражаси кучайди. Ҳарбийларнинг ватанпарварлик таълим-тарбияси ҳамда ижтимоий ҳимояси юксак даражага олиб чиқилди. Бугун ҳарбий хизмат ҳақиқий маънода шарафли касба айланди.

Ҳарбийлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан ўзларини қи-

зиқтирган саволларига жавоб олди. Мулоқот якунида ҳарбий қисм кутбхонасига партиянинг китоблар жамланмаси совға қилинди.

**Маҳмуд Назаров,**  
ЎзМТДП Тошкент вилояти  
кенгаши раиси:

— Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир мамлакатнинг маънавий асоси ҳисобланади. Шу боис, учрашувга уюшмаган ёшлар ва 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ҳам тақлиф этдик. Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган тадбирда ёшларга ҳарбий қисм ва аскарларимиз эришаётган ютуқлар ҳақида етарли маълумотлар берилди. Мамлакатимизда халқимизнинг тинч-осойишта ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътибор қаратдик. Учрашув ёшлар билан бирлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Р.Маҳмудов,**  
“Milliy tiklanish” муҳбири

### “АГРОБАНК” АТБ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни энг улуг, энг азиз айём —  
Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги билан  
самимий қутлайди. Бугунги кунда халқимиз бирдамликда  
олиб бораётган она-Ватанимизни обод ва фаровон этишдек  
эзгу ҳаракатлари, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш ҳамда  
иқтисодиётимизни янада ривожлантиришдек асрий  
бунёдкорлиги давом этаверсин.*

*Қутлуғ айём барчамизга  
муборак бўлсин!*

www.agrobank.uz

тел. (71) 203 88 88

/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

/agrobankuzbekistan

Download on the  
App Store

GET IT ON  
Google Play

Хизматлар лицензияланган

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрам —

**Ватанимиз**  
**мустақиллигининг 28 йиллиги**

билан самимий қутлайди.

Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик,  
файзу барака аримасин.

Мамлакатимиз ривожини йўлида камарбаста бўлишда  
ҳар бирингизга соғлик-саломатлик, куч-қувват тилаймиз!

**УЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



Маълумки, ривожланган мамлакатларда миллий ғоя давлат мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиради. “Бир ҳудуд — бир халқ” эътиқодини шакллантириб, мамлакатлар аҳолисини бирлаштирганини, умумий мақсад йўлида сафарбар қилганига мисоллар кўп. Уларнинг аксарида миллий ғоя миллий қадриятларга боғлаб сингдирилганини кўрамыз.

Муҳаммаджон  
ҚУРОНОВ,  
ЎзМТДП Марказий  
кенгаши аъзоси,  
педагогик  
фанлари доктори,  
профессор



# НИМА УЧУН ЎЗГАРИШИМИЗ, БИРЛАШИШИМИЗ, КУРАШИШИМИЗ КЕРАК?

Масалан, “Тарих – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродаси” қадриятлари негизда япон миллий ғояси ишлаб чиқилди. Одамларга ишонч, рағбат берилди. Мактабнинг тарбиявий ишлари тизими, ғояси ислоҳ қилинди. Уюшган миллатнинг жуда қаттиқ меҳнати ўлароқ дунё “Япон мўъжизаси”нинг гувоҳи бўлди.

Хитойда ҳам миллий заминга – Конфуций таълимотига мурожаат қилинди. Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий (хулқ учун) асос сифатида фойдаланди. Ёшлар тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” ғояси асосида ташкил этилди. Ёшларга шахсий ва миллий манфаатларни уйғун тутши ўргатиб борилди.

Америка Қўшма Штатларида давлат мафқураси йўқ, деб ҳисобланади. Аммо америкаликларнинг маънавиятини ўрганган олимлар АҚШ каби мафқуралашган давлатни топшиш қийин, дейишади. Бу ерда мафқура вазифасини “Америка орзуси” (American Dream) бажармоқда. У давлатнинг олий қадриятлари йиғиндиси, миллатнинг маънавий онаси деб тушунилади. “Америка орзуси”нинг асосий тушунчаларини шахс эркинлиги, эркин тадбиркорлик, демократия, муваффақиятга эришишга қаратилган меҳнат ташкил қилади. Америкаликлар мафқура бўлмаса, давлат бошқарувида тизимлилик бўлмайди, тизимсиз эса самарали сиёсат бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Шу боис, давлат арбоби У.Сэфайр “Агар Америка тузуми – скелет бўлса, американча орзу – унинг қалбидир”, деган эди.

Жанубий Кореяда ҳам миллий ғоя халқнинг миллий ўзлигига ва ёшлар тарбиясига қурилди. Мактабда миллий ғоя ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириб борилди. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир ҳам корейс оилаларида умумий бюджетнинг 56 фоизи боланинг инсон капитали – Human Capital учун сарфланмоқда.


Миллий ғояга янги давр, миллатимиз тарихининг янги босқичи талабларидан келиб чиққан, реал талаблар қўйилмоқда. Илгари миллий ғояни тушуниш ва ту-

шунтиришда ноқулайликлар учраб турар эди. Масалан, одамларнинг қулоқлари “миллий ғоя” деганда давлат ва халқ бирлиги тараннумини эшитарди. Лекин кўзларимиз ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг олдидаги темир панжараларни кўрар эди. Халқ давлат органларига хизмат қилиши керак, деган нотўғри қоида амалда эди. Фуқаро ҳокимиятга эмин-эркин кириб-чиқолмас, дардини айтолмасди. Чунки амалда халқдан давлатни ажратувчи темир панжара бор эди. Эндилликда панжаралар кесиб ташланди. Лекин айрим амалдорларимиз онгиде бу “панжара” ҳалигача турибди. Тафаккурдаги темир панжараларни кўпориб ташлаш қийин бўлапти. Миллий ғоя ана шундай вазият талабларидан келиб чиқиб янгиланмоқда. Илгари миллий ғояни ижтимоий-гуманитар, маънавий-маърифий масала, деб тушунилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Бефарқ томошабин эмас, ижрочи-елқадош бўлишимиз керак. Ислохотларга дохлдорлик — шарт. Томошабин бўлсак, мақсадга етмаймиз”, деган сўзлари ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиши керак.

Бугун унинг иқтисодий-сиёсий пойдевори – Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бор. Тактикаси – ҳар йилнинг бош Дастури, маблағи, ижрочиларилари бор. Демак, янги даврда миллий ғоя гуманитар масала бўлиб қолмайди. Чунки унинг натижасига қаратилган иқтисодий тизим ишлармоқда. Миллий ғоя рўйи учун демократик муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Демократия тўғрлик, ростлик, адолат, қонунийликнинг шарт-и. Ноҳақдан ҳақни, зolimдан мазлумни, зўравондан ожизни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу жараёнда жамоатчилик назоратини ишга солади. Чунки миллий ғоя аҳолининг бир тоифаси эмас, ҳамма яхши яшасин, ҳаётдан рози бўлсин, дейди. Мамлакатда



адолат, қонунийлик бузилар экан, демократия ҳам, миллий ғоя ҳам қуруқ шиор бўлиб қолиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар миллий ғояни халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун қулай шароит яратди. Энди гап миллий ғояни ҳар бир ўзбекистонликнинг ниятига ва ҳаракатига айлантиришда. Бу тарғибот, ташвиқот орқали амалга оширилади. Яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Ахборот майдонини нуқул негатив контент эгаллаб олмаслиги учун позитив, яхши, некин мазмун, мавзулар билан мутаноси тўлдиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Негаки, биз катталар ҳам, болаларимиз ҳам ҳар куни яхши-ёмон фикрлардан таъсирланамиз. Бир-биримиз билан ижтимоий тармоқда тортишамиз, айтишамиз, уришамиз. Лекин буларнинг негатив фикрлардан бошланган ғоялар кураши эканлигини англамаймиз.

Миллий ғоя ёшлар тарбиясининг асосини ташкил этади. Чунки ота-оналарнинг миллий ғояни тушунмаслиги ёшлар тарбиясига ва бу орқали миллий бирлигимизга зарар etkazаяпти. Бир мисол. 2019 йилнинг март ойи. Пойтахтимизнинг “Халқлар дўстлиги” майдони. Соат 19лар чамаси. 70 ёшларни қоралаган буви самокатда учаётган неварасини “тарбиялапти”: “Насимхон тез-тез учинг. Тўхтаманг, пулга, прокатга олганми. Ҳа, ҳа тезроқ. Самокатингиз Абдуллахонники-

дан баланд экан. Умидникидан ҳам зўр экан. Эртага айтинг уларга, бир ичлари куйсин”. Бу билан 6-7 ёшли пок Насимхонга кибр, ҳасад сингдирилмаяптими?.. Кибр, ҳасад эса миллатни парчалайдиган иллат...

Миллат ўз ватандош тадбиркорларини қўллаб-қувватлаши керак. Тўғри, юртимизда Президентимизнинг сазъ-ҳаракатлари билан тадбиркорларимиз фаол қўллаб-қувватланмоқда. Бироқ бу умумхалқ ҳаракатига айланиши керак. Ривожланган давлатлар тарихида бунга мисоллар кўп. Масалан, XIX аср охири, XX аср бошларида АҚШ дўконларида, “Агар сен америкалик бўлсанг, америка маҳсулотини сотиб ол”, деган ёзувлар ёпиштириб қўйилган. Бугун рақобат майдонида инсон капиталлари, инновациялар тўқнашмоқда. Бу майдонда рақибга қарши кўракни эмас, ақлни қўйиш керак. Ҳар бир ўзбекистонликнинг бир-бирида ватандошлик ҳаққи ва бурчи бор. Демак, миллий ғоянинг таъсири, рўйи иқтисодийётда, кундалик ҳаётда кўриниб туради. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар аҳил бўлса, бундан барча бирдек наф кўради.

Миллий ғоямизнинг бош ғояси “Миллий тикланишдан – миллий юксалишга”. Юксалиш – ҳаракатни талаб қилади. Демак, миллий ғоямиз ҳаракатлар мафқураси бўлади. Миллий ғоя одамларга ислохотлар ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтирани. Ётганини – ўтқазди, ўтирганини – турғизди, турганини – юргизди,

юрганини – югуришга ундайди. Чунки “нима учун?”лигини тушунмаган одамлар бирлашмайди, кўр-кўрона, юзак ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Тушунганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётдан рози бўлади. Бунинг учун давлатимиз раҳбарининг “Бефарқ томошабин эмас, ижрочи-елқадош бўлишимиз керак. Ислохотларга дохлдорлик — шарт. Томошабин бўлсак, мақсадга етмаймиз”, деган сўзлари ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиши керак. Миллий ғоя одамларга бахт олиб келиб бермаслиги мумкин. Лекин у одамларни бахтга бошлаб боради, бахтли бўлишга ўргатади. Ҳаяланган халқ қудратли бўлади.

Мамлакатимиз Президенти “Маънавият – энг таъсирчан курол-лимиздир”, деган қатъий фикрни айтди. Бу бежиз эмас. Чунки “Биз нима учун ўзгаришимиз, бирлашишимиз, курашишимиз керак?”. Бу саволга яқдил ғоявий жавоби йўқ жамият – қуроли йўқ қўшмага ўхшаб қолади. Маънавият ва маърифат, мафқуравий тарбия Ўзбекистоннинг турли миллат, дин, касб, ёшларга мансуб халқини ғоявий қуроллантиради. Ислохотлар нима учун, ким учун кераклигини халққа унинг орзулари билан боғлаб уқтиради, кўрсатади. Тушунган халқ – ғоя билан қуролланган халққа айланади. Ҳар биримиздан Ватаннинг бир ўғил-қизи сифатида, ўзимизга муносиб бўлиб ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Ўз миллий ғоясини англаган халқни эса тўхта-тиб бўлмайди.

# ҚАЙСИ ПАРТИЯ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

**Агар эртага парламент сайлови ўтказилса,  
қайси партиёга овоз берган бўлардингиз?**

Айни шу савол юзасидан яқинда "Сизнинг фикрингиз" телеграм-канали орқали сўров ўтказилди. Қарийб 34 минг киши қатнашган сўровнинг 26 август кунги ҳолати бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига иштирокчиларнинг 32 фоиз овозига эга бўлиб биринчи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясига (29 фоиз) эса иккинчи ўринни банд этди. 27 август кунги якуний босқич натижаларига кўра, ЎзЛиДеП 35 фоиз овоз билан биринчи, ЎзМТДП эса иккинчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринни 6 фоиз овоз билан "Адолат" социал-демократик партиясига эгаллаган бўлса, Халқ демократик партиясига (ХДП) атиги 5 фоизлик натижага эришган. Йил бошида сиёсий партия сифатида рўйхатга олинган "эколог"ларни эса иштирокчиларнинг 3 фоизи қўллаб-қувватлаган. 13 фоиз иштирокчиларнинг қайси партиясини ёқлашни билмай боши қотган, 3 фоизи эса "билмадим" дейиш билан кифояланган.



Ушбу сўров натижаларидан партияларнинг жамиятимиздаги бугунги мавқеи қай даражада эканини чиқиб-тан аниқласа бўлади. Демак, мазкур сўров ҳам шу йилнинг декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловда кураш, асосан, ЎзМТДП ва ЎзЛиДеП вакиллари ўртасида кечиши кутилаётганини тахмин қилиш мумкин.

Сўров натижалари хусусида чиқиш қилган "Minbar.uz" да таъкидланишича, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига кундан кунга ўзгараётган сиёсий воқеалардан унумли фойдаланаётган ағона партия бўлиб қолмоқда. Аввалги парламент сайловларида доимо ХДП билан иккинчи ўрин учун курашиб келган ЎзМТДП нафақат аънавий рақибини анча ортада қолдирди, балки "ҳукмрон партия"нинг жиддий рақобатчисига айланди.

Сўнгги пайтларда партия ўз фаолиятини янада жонлантиргани, электрот билан ишлашда рақибларига қараганда сифат жиҳатидан

орқали партия ўзининг асосий функциясига — "ижтимоий амортизатор" ролини эплашга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, жамиятимиздаги тезкор ўзгаришлардан ортада қолмаслик, амалга оширилаётган ислохотларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки халқ манфаати, юрт равнақига қаратилган ташаббуслари билан олдинги сафда бўлишга интиляпти.

Ҳақиқатан ҳам, ЎзМТДП фаолиятида муҳим амалий ўзгаришлар, туб ислохотлар даври бошланди. Сайловчилар талабидан келиб чиққан ҳолда "Инсон ўзгармаса, жамият ўзгармайди" ғояси остида турли тадбирлар, айниқса, очик мулоқотлар ташкил этаётди. Партия Дастури ва 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасини кенг муҳокама қилиб, бу борада олимлар, эксперт, сиёсатшунослар, ёзувчи-шоирлар, партия фаолларининг таклиф, фикр-мулоҳазалари ўрганимоқда. Партия ташкилотларининг эшикларини эркин фикрловчи, хато ва камчиликларни очик-ойдин, ошқора, рўй-рост, холис ва ҳаққоний айтadиган, сўз ва фикр эркинлиги тамойилларига тўла

амал қиладиганлар учун янада кенгроқ очилди.

Партиянинг янги етакчиси ўз фаолиятида илк расмий учрашувини юртимизнинг энг фаол журналистлари ҳамда блогерлар билан ўзаро фикр алмашишдан бошлагани фикримиз тасдиғидир. Учрашувда "ЎзМТДП аслида қандай бўлиши керак?", "Сайловолди Платформаси бугунги даври талабларига жавоб берадими?", "Унга қандай янгилик ва қўшимчалар киритиш лозим?", "Айни сиёсий майдонга қандай ғоялар билан чиқиш талаб қилинади?" каби саволларга жавоб изланди. Партия имиджини яратиш, сайловчилар манфаати, сиёсий партиялар фаолиятидаги бир хилликка барҳам бериш, аниқ ғоя ва электротаргга эга бўлиш, мавҳум, баландпарвоз шиор, маъруза ва статистика учун ўтказилаётган тадбирларга чек қўйиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

ОАВ вакиллари ҳам расмийликдан холи, очик-ошқора тарзда ўтказилган ушбу учрашувда ЎзМТДП давлат тили мақомини ошириш, энг муҳим масалалар бўйича дебатлар ташкил этиш, очик рақобатга киришиш, электрот билан ишлаш, халқроқ ҳужжатларни қабул қилишда партиянинг қатъий позициясини белгилаш борасида ҳамда сайловолди ваъдаларни тўлиқ ижро этишда сусткашлик қиладиганини танқид қилган эдилар.

Шунинг учун ҳам партия раҳбарияти айни пайтда асосий эътиборни жамиятда миллий онг, миллий тафаккурни ривожлантириш, ёшларга маънан етук таълим-тарбия бериш, жисмонан соғлом, баркамол авлод борасида кутилмаган ташаббусларни илгари суряпти. Келажакимиз эгаларини бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий аънаъна ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти.

Маълумки, хунармандлар миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва улар миллат маданиятини авлоддан-авлодга етказувчи ижодкорлардир. Хунармандлик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, бадий-хунармандлик мактаблари аънаъналарини сақлаб қолиш партиянинг бош ғояси экан, ЎзМТДПнинг ушбу соҳа вакиллари фаолияти, уларни ўйлантираётган таъшишларга бефарқ бўлишга ҳаққи йўқ. Шу маънода, соҳадаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларга қонуний ечим топиш мақсадида сўнгги кунларда хунармандлар билан кўплаб юзма-юз учрашувлар ташкил қилинмоқда.

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Муносабат

Куй-қўшиқ, мусиқа садолари баралла янграган юрдагина тинчлик-тотувлик ва хотиржамлик бўлади. Зеро, дилларга ором бахш этувчи бу тароналар фақат тинч юрдагина ярашади. "Шарқ тароналари" фестивалининг бугун қамрови тобора кенгайиб, фақат Шарқдагина эмас, балки бутун жаҳон аҳлини гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси, аънаъналарини кенг оммага етказиш, ёш авлодни санъат, мусиқага меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу боис ҳар икки йилда ўтказиладиган ушбу нуфузли тадбир, бу йил ўн иккинчи бор ташкил этилди. ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари доирасидан ўрин олган ушбу фестиваль кунларида ўтказилган кенг қамровли илмий-амалий анжуман ва конференциялар унинг моҳияти ва

## "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" ҚАМРОВИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

аҳамиятини янада оширди, десак хато бўлмайди.

Фестиваль дунё халқлари ўртасида ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида маданий алоқалар доирасини кенгайтиришдек улғу мақсадларга хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда!".

Яна бир муҳим жиҳат: Самарқандда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" халқроқ мусиқа фестивали доирасида Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ЮНЕСКОнинг Осмё ва Тинч океани минтақаси номоддий маданий мероси халқроқ ахборот ва ҳамкорлик маркази (ICNSAP) ўртасида Буюк ипак йўлидаги маданий меросни сақлаш бўйича меморандум имзоланди.

Бундан ташқари, фестиваль доирасида "Шарқ халқлари аънаънавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқроқ илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда этномусиқашунослик соҳаси мутахассислари, Шарқ мусиқаси тадқиқотчилари иштирокида Шарқ мусиқасининг шаклланиши, ривожланиши билан боғлиқ долзарб муаммолар, Шарқ халқларининг бебаҳо маданиятини асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш каби муҳим ва долзарб масалалар кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Бу каби илмий-амалий конференциялар "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали доирасида 1997 йилдан бери ўтказиб келинади. Фестиваль нуфузи тобора ортиб бораётгани сайин унинг доирасидаги илмий-амалий конференция географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Корея, Россия, Қозғоғистон, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Франция, Норвегия, Молдовия каби давлатлардан 30га яқин олим ва тадқиқотчилар иштирок этди. Икки кун давом этган анжуманда америкалик машҳур тадқиқотчилар Девед Хеберт ва Жонатан Макколом, Ҳиндистонлик Шабир Аҳмад, Буюк Британиядан келган юртдошимиз Разия Султонова ва бошқа олимлар тақдиротлари билан қатнашди.

Халқимизнинг бой тарихи, маънавий олами, маданияти, гўзал урф-одат ва бетакрор аънаъналарини ўзида мужассам этган. "Шарқ тароналари" халқроқ мусиқа фестивалининг мақсади — инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ҳамда аънаъналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат воситасида янада жипслаштиришдан иборат.

Дарҳақиқат, жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни барқарорлаштириш, улар ўртасидаги тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашда мусиқа санъатининг роли ва аҳамияти беқиёс. "Шарқ тароналари" халқроқ мусиқа фестивали бугун том маънода ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

**Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
"Маърифат" тарғиботчилар жамияти  
мутахассиси

# АДАБИЁТ — ЭРК, АДОЛАТ

## Атоқли ёзувчи, Халқаро Чингиз Айтматов академияси



— Эшитишимча, яқинда Зоминда, Президент ташаббуси билан қурилган ёзувчиларнинг янги дам олиш масканидан қайтибсиз. Модомики суҳбатимиз бугунки давр ва адабиёт хусусида бўлар экан, дастлаб шу ҳақда гурунглашсак.

— Тўғри. Навоий кон-металлургия комбинати Туркистон тизма тоғлари бағрида муҳташам бир оромгоҳ барпо этган. Унда нафақат хизмати синган кишилар, ўқитувчилар ҳам биз ила баробар истироҳат этдилар.

Шу ўринда мен кечмиш тарихимиздан бир қатор ибратли ўрнаткичларни, сизни шонли ўтмишимизга етакласам. Ҳазрати Бобур иккинчи бор Самарқанд фатҳига отланган. Усман (у пайтда Васманд, сўнгра Вусмат дея аталган) қўрғондан Зомин томон юрар экансиз, тарихий Новқа ва Боғмозор-Барлос қасабаларини босиб ўтасиз.

Жиззах вилояти, билхосса Бахмал туманида бу икки манзилдан машхур ва тарихийроқ жой йўқ десак бўлади. Боғмозор-Барлос мавзесини 1395 йилда Соҳибқирон Амир Темури пиру устозлари Мир Саид Бараканинг қардоши, дамқисма хасталигига чалинган шайх Мир Саид Халиуллоҳ ҳазратларига суюрғол ўлароқ таъсис этган. Сизга маълумки, улўғ жаҳонгир вақти замони етиб, халқ раҳматига қовушганларида ўзини пири Мир Саид Барака ҳазратларининг оёқ тарафига дафн этишни васият қилган.

Шайх Мир Саид Халиуллоҳ ҳазратлари Боғмозор-Барлосдан гўзал бир масжид қурдирган ва бу обида ҳамон оёқда. Шайхнинг сўнгги манзили ҳам ушбу масжиднинг кун ботиш тарафида.

Султон Улуғбек юрбонг улуғ шайх турбати узра қўйилиши лозим бўлган мрамор тош ҳам манзилга етмай, сой бўйида қолиб кетган.

Халқ эндиликда “Авлиё” дея атайдиган бу қутлуғ маконга ҳоқон Шоҳруҳ, султон Улуғбек ва Али Қушчи каби улўғ шахсларнинг қадамлари етган. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, бу муқаддас тарихий манзил мамлакатимиз бўйлаб эсаётган ўзгариш ва янгиланиш эпкинини кутиб ётибди.

Тарихий Новқа манзилидаги жоме масжиди эса уфқлар султони ҳоқон Шоҳруҳнинг таълимоти билан қад кўтарган. Ҳиротлик чопарлар бу ерга подшоҳнинг шахсий маблаг ва хазинадан ақча келтириб турганлар.

Сиз кун юрши йўли билан шу тариқа Туркистон тизмаларини оралаб, машхур Сула текислиги, Шаршара орқали афсонавий Шербуллоҳ чашмасидан баҳраманд бўлиб, “Зомин” санаториясига етиб борасиз. Бу оромгоҳ қурилишининг ҳам ўзини

хос мунгли бир тарихи бордир. Ўзбекистонда тоғ спорти билан шуғулланишга мўлжалланган иншоот қурилишига Москва, жумладан собиқ иттифоқ раҳбари Леонид Брежнев рози бўлади. Бироқ орадан кўп ўтмай муз спорти саройи “Медео” номи билан Олмаотада қурилишига қарор қилинади...

Мулзам бир тарзда Леонид Брежнев ҳузурига кирган республика раҳбари Шароф Рашидов шундай бир иншоотни мамлакат бюджети ҳисобига қуришига қарор қилинганини сўзидан қайтган бош котибга билдиради. Шу тариқа тўққиз йилда Зоминда “Она-бола”, ҳозирги “Зомин” санаторияси қад кўтаради.

Мана шу оромгоҳдан уч километр этақда сиз тилга олган истироҳат маскани Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан барпо этилди. Ўзбекистон олтинлари ҳисобига бунёдга келган оромгоҳда биз ҳам дам олдик. Демак, оққан дарё оқмоқда...

Бу вазиятни халқ бойлиги, миллий сарват улўсга тенг ва тўғри тарқатилиб, ундан барча баробар истифода этиб, баҳраманд бўлган давлату мамлакатдагина адлу адолат ва фаровон ҳаёт қарор топади, дея изоҳ этмоқ мумкин.

“Имонсизга эрк берсанг, элни талар” қабилида иш тутиб, юрту улўсдан юлинган миллионларни хорижий банкларга жойлаб, бугунги кунда абгор турумга тушиб турган яқин кечмишимизнинг сўзда қаҳрамонларининг айни дамдаги аҳволу вазияти шоҳу гадо барчага аёну баёнди.

Ҳаётнинг маълум фалсафаси шундай. Орқа-олдига қарамай, ўйламай-нетмай ейилган ош, охир-оқибатда тиш синдириб, бош ёради. “Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни итлар ғажир бошингни” дегандек, эндиликда, таъбир жоиз бўлса, “бошлар ғажилганда” бу ошларнинг киму кимсаларга қолганлиги ҳам маълумдир.

Киши ким бўлмасин, ўзини у ёки бу даражага етказган эл-улўс, халқдан ниманики ортиқ еса, тўйғач тойса, эрта кунда бунинг сўроғу саволи таяинди. Буюқ ажодимиз Ибн Сино “Худо — олий адолатдир” деганида ҳам жаннатту дўзахдаги сўнгги ҳисоб-китобни эмас, улўс, миллат чиқаражак сўнгги машхарий виждонда маънавий ҳукмини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Зотан, ҳақу ҳақиқатнинг уққуни кўринмаган қалбларда ҳеч қачон сиз адолат оташини алаंगा олдира олмайсиз. Ҳақсиз даъвода ёвуз ва агрессив, байроқни кўтариб юрвучи жоҳил ва радикал оломон билан бирга юргандан кўра, ҳақли даъвода ёлғиз юрмоқ — ҳар қандай давру-даврон, макону замонда ўзлигини сақлаб қола билган бутун шахсларнинг муроду мақсадидир.

“Амирлари олимлари ҳузурига борган улўс бахтли, олимлари амирлари ҳузурига отланган қавм бахтсиздир” деган ҳадиси шарифдан келиб чиққан ҳолда адабиёт, маънавияту маърифатга кўрсатилгаётган этиборни эътироф этмоқ керак. Кейинги олти ойда менинг уч китобдан иборат “Сукут суикасди ёҳуд Сталиндан Саддамгача”, “Суикасддан сўнгги сукут ёҳуд Чингизхондан Черчиллгача” ва “Тавқи лъанат тамғаси ёҳуд Трумэндан Трампу



Тарақийдан Туркманбошигача” отлиғ роман-памфлетларим ўқувчи кўлига етиб борди. Сўнгги ўттиз йил мобайнида бундай китобларнинг чоп этилиши тушимизга ҳам кирмаган. Аслида бу — кейинги ўттиз йилда ёзилиши керак бўлган мақолалар эди.

Ишончимиз комил, иқтисодий, маънавий ва маърифий ислохотлар сиёсий реформалар билан янада мустаҳкамланади. Адабиёт эса олий адолатнинг мезони ва миллатнинг паспорти сифатида мамлакатимиз ва жаҳондаги буюқ ўзгаришлар ҳамда улкан хатоларни қайд этиб боради.

Илк бор танишиб сўхбатлашганимизда олий ўқув юрти ёшларининг етакчиси Шавкат Миромонович сидқу самимиётла менга қалам ҳада этган эдилар. Эндиликда у киши давлат ва мамлакат раҳбари сифатида юзлаб нафар олимну ёзувчи, миллати ва касби коридан қатъий назар бутун халққа, барчага бирдек яхшилик қилмоқ дарди, ғайрати билан ёнмоқда. Бу қутлуғ ният ва азми қарорни фақат қутламоқ ва кўллаб-қувватламоқ керак. Боиси, бир қалдирғоч билан баҳор келмаганидек, бир шахс, раҳбар не қадар ўзини ўту чўққа уриб ҳаракат этмасин, атрофидаги, ўрта ва куйи бўғин қодирлари шунга мос равишда фаолият кўрсатмаса кўзланган манзиллар узоқлашаверади.

Адабиётга ғоявий ва партиявий раҳбарлик қилиб, уни бошқаришга киришдингизми, тамом. Ишни Худо урди дегерингиз. Адабиёт ва санъат бошқарилмади: у кўллаб-қувватланади.

Адабиёт тамалида адолат ётади, у эрк, озодлик ва хуррият демақдир. Адабиётдаги эрк имкони ва озодлик хуррияти ҳатто ҳеч бир дину мазҳаб, шарияту тарикатда-да йўқдир. Ҳатто, дин аралашса ҳам адабиёт ўз олий адолати, куч-қудрати ва озодлигини йўқотади.

Динни сиёсатга қурбон этсангиз, унинг илоҳийлигига пугур етади. Динлар — ахлоқий, маънавий компасдир. Уни сиёсий компасга айлантирддингизми, тамом. Юз йиллар мобайнида қон ва қилич билан динга киритиш сиёсати ишга тушиб кетди. Эндиликда кечмишдаги каби ибтидоий қиличи шамшир эмас, даврага “Калашников” ва “Стингер” жаноблари ташриф буюрадилар.

Носирларнинг улўғ устози аъзами Антон Павлович Чехов бот-бот таъкид этгани каби ички озодликсиз шахс ҳам камол топмайди, ҳақиқий адабиёт ҳам яратилмайди.

Барча дин, ғоя ва фалсафалар дунёга ҳукронлигини даъво қиладилар. Фақат адабиётгина дунёда олий адолат бўлишига хизмат қилади ва бу йўлда у инсон қалбига беминнат ва бетаъма эзулик уруғини сочади. Оламни бир дин ихтиёрига ташлаб кўйиб бўлмайдиган деганида улўғ Робиндронат Тагор ҳам шуни назарда тутган, албатта.

Бироқ буни оламга фақат бир дин даражасидан боқувчи дунёвий илму фан, дунёвий тафаккур ва қадриятлар моҳиятини англаб етмас мутаассибларга тушунтириб бўлмайди. Зотан, барча ашаддий диндор ва радикаллар руҳан ва маънан курсури бўладилар. Улар буни англамоқни ҳам истамайдилар. Илмсиз дин кўр, динсиз илм эса оқсоқдир. Шунинг баробарида стадион ва концерт саҳналарини тўқсон тўққиз фоизи кўлига китоб олмас экан.

— Бизнинг авлод сизни ёзувчи сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида, 80-йиллар бошларида таниган ва асарларингизни севиб мутлолаа қилган. Айниқса, “Тубсиз осмон” ҳикоялар тўпламингиз кўлма-кўл бўлиб кетгани эсимда. Гарчи бахмаллик бўлмасак-да, Ойқорни сиз туфайли таниганимиз ва меҳр қўйганимиз. Бахмалга ҳар гал йўлни тушганда албатта, Ойқорга тикилиб-энтикиб қарайман. Қурғоқчилик бўлмаган йиллари Ойқорни, ҳатто, ёзинг чилласида ҳам оининг ёруғида кўриш мумкин. Уни асарингизда жуда гўзал тасвирлагансиз. Бахмал ва бахмалликлар сизнинг энг сеvimли мавзу ва қаҳрамонларингиз...

— Тилга олганингиз “Тубсиз осмон” ва “Салом, тоғлар” қиссалари ўша пайтда рус, ўзбек, қирғиз ва бошқа тилларда ўн миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Устоз Чингиз Айтматов тавсияси билан қирғиз тилига таржима этилиб, “Олатов” журналида ва китоб ҳолида чоп этилган. Бу ҳолат Абдулла Қаҳҳор шаъма қилган “адабий

# ВА ХУРРИЯТ ДЕМАК

академиги Нурали ҚОБУЛ билан суҳбат



генерал"ларни бироз роҳатсиз этган. Китоб собиқ иттифокнинг юксак мукофотларидан бири билан тақдирланаётганида катта раҳбарлардан бирининг амири билан номзод олиб ташланиб, гап-сўз бўлмаглиги учун мукофот бир ўзбек киночисига берилган. Шоир ҳамкасбимиз сатри билан айтганда, "Ўзим ўзим дейди ўзбек, ўз-ўзини ейди ўзбек". Биз бу каби тирикчиликларга ўрганиб кетганмиз. Мустақиллик даврида эса бундай таъқибу таъйик, маънавий қатағону қора рўйхатлардан қутулиб, дунё эллари ва мамлакатлари каби одим отамиз дея аҳд қилган эдик. Бироқ бундай бўлмагани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Аммо бу маънавий бўҳрон қавми эндиликда ҳеч тап тортмай лаптакнинг иккинчи томонини кўймоқда.

"Ойқордан қор узилса, дастурхондан нон узилди", деган отасўзи бу худудларда эътиқодга айланган. Бу йилги серёғин баҳор туфайли Туркистон тизмаларида ўн йиллардан бери зира ва бўтакўз битмаган адирларда мўл-кўл зира етишиб, бўтакўз гули асали олинди. Ойқор тоғидан шундай ошишингиз билан Айний тумани ва Майката қишлоғига тушасиз. Зарафшон дарёси саратон қуёшида чархланган қилич каби ярқираб кўринади. Бу манзилда дўстим ва қардошим, Турон ва Эрон халқларининг сеvimли хонандаси Жўрабек Муродов таваллуд топган. "Пахтақор" стадионида бўлиб ўтган бир тадбирда дўстим иккимиз сўзга чиқиб, бир тоғнинг кишиси эканлигимизни айтиб ўртоқлашган эдик.

Замашарий айтганларидек, Ватанини севмаган киши ҳеч нимани сева олмайди. Бунинг учун эса киши шахс сифатида шаклланган бўлиб, аввало, адолатни сеvмоғи керак. Адолат ҳис-туйғуси Ватан ва миллат эътиқодидан устун туради. Адолатдан юз ўйрган киши ҳеч қачон миллатпарвар ва ватанпарвар бўла олмайди.

Ватанга, миллатга, инсониятга ва адолатга бўлган буюк эътиқоду муҳаббатсиз ҳақиқий адабиёт яратиб бўлмаглиги кўзи очик ойдин учун янгилик эмас, албатта. Фақат ана шундай, нури адабиётгина кишилик жамиятини келажакнинг умидли йўли сари етаклаши мумкин.

Модомки, сиз менинг она тоғим — Ойқорни тилга олдингиз, кунни кечам мен у ерда бўлиб қайтдим ва бу сеvimли тоғ

ҳақида яна бир битик битдим.

— **Соҳибқирон Амир Темур ҳақида энг кўп ёзган, ёзайтган адиблардан бирисиз. Лекин ҳамон қалбни бир армон ўртайдми: буюк бобомиз ҳақида бир тузук-куруқ кино йўқ, ишлалмаяптим. Режисёрлардан сўрасангиз, яхши сценарий йўқ, дейди. Ёзувчи, сценарийчилардан сўрасангиз, зўр режисёр йўқ, дейди. Айримлар эса, бунинг учун катта маблағ керак, дейди. Гапнинг индаллоси, қарийб 30 йилдан буён кимга ва нимага ишонини билмай ҳайрон бўласиз. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз...**

— Турк дунёсида Буюк Амир Темурдан улуғ шахсият йўқ. Агар мен у улуғ аждодимиз отининг узангисини тутиб турганимда ўзимни бахтиёр ҳис этардим, дея фахру ифтихор билан ёзади яна бир турк даҳоси Мустафо Камол Отатурк. Амир Темур нафақат биз Туркистон туркларининг, барча туркий халқларнинг бош қаҳрамони, инсоният етиштирган буюк дунёвий ҳажонгирлардан биридир.

Сизга мунгли бир ҳикояни сўйлайман. Устоз Пиримқул Қодировнинг "Юдузли тунлар" романи етти йил мобайнида нашриёт рафлариде чанг босиб ётганини биласиз. "Авлодлар довони" романи эса коммунистик гоёчи раҳбарлар Бобурга ҳужум бошлашганида Ғафур Ғулум нашриёти режаси ва "Шарқ юлдузи" журнали саҳифаларидан олиб ташланган.

Шу пайтгача ўн уч жилди чоп этилган "Темурийлар" эпопеясининг илк китоби — "Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилч" романи нашриётга топширилганидан сўнг, ўн етти йил ўтгач, ўқувчи кўлига теги.

Амир Темур ҳақида кино яратилмаганига ҳам ана шу нуқтаи назардан қарамоқ лозим. Темурнинг дунёвий шон-шухратини ҳазм қила олмаган ва томирида темурий қони оқмаган, юрагида темурий имону виждон жунбушга келмаган кечмишу яқин ўтмишининг сўз соҳиблари бунга қаршилик қилиб келдилар. Ватан адабиёти ва санъатини маийшлаштириб, бачканалаштирган гуруҳлар ҳали-ҳануз бу улуғ ватаний ишга тўғаноқ бўлиб келмоқда.

Бироқ улус ва юртнинг асл, туб манфа-

атини кўзлаган кишилар қўл қовуштириб турганлари йўқ. Бир гуруҳ ижодкорларимиз Россия ва Туркиядаги ҳамкорлари билан биргаликда юз серияли телесериал ва киноэпопея устида иш олиб бормоқда.

Бу ишда дунё тажрибасига амал қилнади. Фильмнинг дастлабки йигирма-ўттиз сериясини ниҳоясига етказсангиз бас. Шунинг пули билан қолган сериялар ишланаверади. Масалан, Туркия киночилари ўтган йили уч юз етмиш миллион долларга сериал сотишган. Бизда улардан-да яхши кино махсулоти ишлаб чиқиш имконияти бор. Фақат бу ишни ўз усталарига, қалби ва имонида Ватан ва улус меҳр-муҳаббати қарор топган кишиларга топширмақ лозим. Адабиёт ва санъат дахлизи ва коридорда юрган корчалонларга қолдирилмаслиги керак.

Фожеали томони шундан иборатки, бизда одамлар деярли китоб ўқимай қўйишди. Россияда кочегар, яъни гўлаҳ ҳам метрода кетаётганида китоб ўқийди. Бизда эса филология фанлари доктори бўлган олим ҳам мутахассислиги бўйича ўқимоғи лозим бўлган китобни ўқимайди.

Қишлоқлардаги тил-адабиёт ва бошқа фан ўқитувчилари ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Чаласавод ёки саводсиз кишига эса тўғри гапни айтиб ҳам, англитиб ҳам бўлмайди. Кишиларимиз отарчининг оёзига, сотарчининг бўзига тикилиб қолганлар. "Эти қаттиқ этиқдўз, бети қаттиқ қўшиқчи бўлади", деганларидек тўрт тарафни ашулачи босиб кетган.

Нима учун аксар кишилар китоб ўқимайди? Сабаби тушунмаганликлари учун қўлларига китоб олмайди. Демак улар фикрлаш салоҳиятидан маҳрумлар. Фикрлаш қобилиятидан мосуво киши билан эса суҳбатлашиб, фикрлашиб бўлмайди.

Ислоом мамлакатларининг эллик беш фоиз аҳолиси умуман ўқиш-ёзишни билмасликларидан хабардормисиз? Эстонлар бир кунда ўн уч минут, турклар етти ва французлар икки минут китоб ёки газета ўқишларини биласизми?

Энг муҳим эҳтиёж моллари рўйхатида Туркияда китоб ўттиз еттинчи ўринда, Японияда эса еттинчи ўринда туришини эшитганмисиз? Бизда-чи?

Ёки етти миллиарддан ошган дунё улуси

орасидаги уч юз саксон минг кишидан фақат биттагини тўғри одам эканлигини туйдингизми?

Биз маҳалла ва чойхона қавми бўлиб қолмасдан дунёга боқишимиз, олам ва борлиқни ўзимизнинг ноқис тасаввуримиз билан ўлчамоқдан воз кеча олмас эканмиз, миллат сифатида шаклланиш жараёни кечикаверади.

Ҳар инсон кўнглида бир арслон наъраси бордир. "Иртиқ бўлса тўним йиртиқ, кўнглим подшоҳдан ортиқ", деганларидек, одамларга ҳар замону маконда меҳр-муҳаббат, марҳамату мурувват назари ила боқмоқ инсонийлик истёвдодининг энг олий шартидир.

— **Очиғи, ўзим ҳали ҳаммасини кўрганам йўқ. Лекин сўнги йилларда турли нашриётларда китобларнингиз чоп этилгани ҳақида эшитдим...**

— Китоблар рейтингини бўйича ўтказилган тадқиқотларда рўйхатнинг бошидаман, десак мактаняпти, деб ўйламанг. Бир йилда йигирма номда китобим чоп этилди ва сотилди. Ёзувчи учун бу муҳимдир. Адабиётнинг ёзилиб-ёзилмаган қойдаси бор. Тушунарли ёзадиган ёзувчиларнинг ўқувчилари бўлади. Тушунарсиз ёзадиганларнинг эса шарҳловчилари бўлади.

"Темурийлар" эпопеясининг дастлабки жилдлари етти-саккиз мартаба қайта нашр этилди. "Амазон" интернет тармоғида "Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилч" инглиз тилида ўқилмоқда. Эрта индин "Етти иқлим ҳоқони ёхуд аҳд ва тахт" ҳам ўқишга қўйилди.

Шунингдек, кундалик ва қайдлардан иборат "Ёзувчининг ён дафтари" китобининг биринчи жилди ҳам чоп этилиб, ижодкорлик орзусидаги ёшларимизга қўл келар, деган фикрдаман.

"Темурийлар" эпопеяси Турон заминда салтанат сурган сулоланинг юз эллик йиллик тарихининг бадиий аксидир. Эпопеянинг навбатдаги китоблари нашрдан чиқиш арафасида. Роман-памфлетларнинг "Дордан қочган даҳолар", "Сталиннинг супержаллоди", "Сталиннинг супергенети", "Давлат тўнтариши" ва "Шайтон пайғамбари" каби навбатдаги жилдлари ҳам китобхон кўлига етиб борса керак.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида "Қақнўз" адабий тўғарагини ташкил этган ва бунинг учун Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган, адабиётни англаган Бекназар Қоражонов деган бир авлодимиз бор. У киши тумандаги тўқсон бир мактабда ўқийдиган ўттиз бир минг ўқувчи орасида китобхонлик даражасини ўрганибдиладар. Натижа шуни кўрсатибдики, ўн минг ўқувчи кейинги беш йил мобайнида ўқиш нари турсин, умуман қўлига бадиий китоб ушламаган. Бундай ҳолатни мамлакатнинг аксарият мактабида кузатиш мумкин...

— **Хабарингиз бор, Зоминда республика ёш ижодкорларининг ўкув-семинарини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда унинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Ижтимоий тармоқларда ёзилшича, бу йил пичоққа илнадиган насрий асар келиб тушмабди. Бу нимадан далолат ва буни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Яхши ёзувчидан кўра яхши китобхон камроқдир қардошим. Икки мартаба ўқишга арзимайдиган китоб бир марта ўқишга ҳам арзимайди, деганларидек яхши наср доимо тақчил бўлиб келган. Ҳақиқий наср катта билим, юксак савод ва тажриба, ҳаётини сабоқ ҳамда кунт талаб қилади. Пушкин ва Лермонтов шоир сифатида жуда эрта бўй кўрсатганлар. Бу жараён ёзувчида шоирлик каби осон кечмайди. Бизда яхши шоир ҳам, шеър ҳам қўл. Бироқ буни тушунадиган ўқувчи оз. Адабиётнинг илдизи саналмиш наср эса машаққатли меҳнат ва узоқ йиллар маҳсулидир. Иншооллох, оққан дарёлар оқажакдир...

■ **Суҳбатдош:**  
ИсMAT ХУДОЁРОВ

**Ҳар бир шахс шу жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши учун атрофида рўй бераётган воқеалар, жамиятда юз бераётган ўзгаришларга бефарқ бўлмаслиги лозим. Айни пайтда бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партия вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижроқчиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, аввало дунё мамлакатларида сиёсий тузум мисолида ўзимизда, сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муаммо ва камчиликлар ҳақида сўз юритиш ўринли, деб ўйлайман...

Ривожланган давлатларда турли сиёсий анъаналар шаклланган ва ҳар бир партиянинг унга ўз мустақил ёндашуви бор. Масалан, экология йўналишидаги партияларда шахс унчалик муҳим эмас; анархия, либерал ва сўл қарашдаги идеологияларни илгари сурувчи партияларда ҳам шахс ғояси биринчи планга чиқиши кузатилмайди. Шахсга асосан ўнг қарашдаги партиялар ургу беради.

Бундай сиёсий анъананинг шаклланишига асосий сабаб — ўнг ғояларнинг узоқ муддат яққа ҳокимият қилгани ва аҳолига жуда яхши таниш бўлганида, деб талқин қилиш мумкин. Аслида ҳокимият тепасида бўлганида ушбу либераллар ёки капиталистлар ҳар доим ҳам кенг омманинг ишончини қозонавермаслиги учраб туради. Бундай шароитда улар ўнг ғояларни илгари сурувчи ақли, ўзига хос ва халқ меҳрини қозонган шахс сиёсий майдонга чиқса, ундан эски ғояларни янги қиёфада кўрсатиш учун фойдаланишади. Қолаверса, ақли, омадли сиёсатдон — ўнг ғоялар тантанасининг бир намунаси ўлароқ овоз берувчиларга, "бизнинг тузум тўғрисида сиз ҳам шундай омадга эришингиз мумкин" деган ишора сифатида кўрсатилади.

Сўл партиялар мафқураси эса одатда кенг омма орасида осон эътироф этилади. Чунки уларнинг аксарияти ижтимоий ва иқтисодий тенгликка даъват қилади. Шу боис уларда алоҳида шахсларни катта саҳнага олиб чиқишга унча эҳтиёж туғилмайди. Қолаверса, мутлақ тенгликни сиёсий маслак деб билган сўллар алоҳида шахсни бурттириб кўрсатишни ўз идеалларига зид ҳаракат сифатида баҳолайдилар.

Шу ўринда Америка Қўшма Штатларида тўхталадиган бўлса, бу ерда бироз бошқача сиёсий анъаналар шаклланган. Мамлакатда икки йирик партия бўлиб, улар ўзида барча сиёсий қарашни бирлаштирган, дейиш мумкин. Айтайлик, АҚШ сўлларининг энг йирик вакили Берни Сандерс Сенатда демократлар билан бирлашиши, шунингдек, ўтакетган капиталист Ҳиллари Клинтоннинг ҳам ушбу партия вакили эканининг ўзи ажабланарли ҳолат. Аслида эса АҚШда кўпроқ шахсга уруғ берилди: номзодлар ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилишади.


Жаҳон тажрибасида аралаш сиёсий анъаналар ҳам мавжуд: ҳам шахсга, ҳам партия ёхуд унинг идеологиясига уруғ берилдиган ҳолатлар кўп учрайди. Бу, албатта, менинг шахсий кузатуви.

Хўш, бу борада бизда қандай?

Тан олиш керак, бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда партия ва депутатлик гуруҳларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги вақтларда сиёсий партиялар фаолиятидаги ўзгаришлар эътироф этилаётган бўлса-да, бу уларнинг фаолиятини етарлича самарали дейишга асос бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, хоржий тажрибани ҳам муттасил ўрганиб бориш, илгор тажрибаларни қў-

топа олмади.

Аслида Ўзбекистонда фаолият юритаётган партиялар ҳаётини гарчи махсус кузатмасам-да, аммо улар ҳақида ўзимнинг муайян тасаввур ва қарашларим мавжуд. Дастлаб кўзга ташланадиган жиҳат, бу — сиёсий партиялар вакилларининг ўзини амалдордай тутиши: ҳамма сипо кийнади, бир-бирига ўхшаш, зерикарли тадбирлар ташкил этади. Шахсан мен сиёсий партия ва унинг фаолиятини бошқачароқ тушунам: сиёсий ҳокимиятга эга бўлишни, халқ ишончини қозонишни истаган сиёсий гуруҳ кўзимиз ўрганиб қолган кийинишу расмий



# ШАХС УСТУНМИ ЁКИ ПАРТИЯ ҒОЯСИ?

лаш орқали партиялар ўртасида соғлом ва конструктив рақобатни юзага келтириш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, бугунги вазият шундайки, сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгига ўзининг мустақам ўрнини эгаллай олмади. Буни аввало, тарихий анъаналардан келиб чиқиб баҳолаш лозим. Собиқ совет тузumi даврида фақат битта партия бор эди ва у одамларни фақат бир идеология атрофида бирлаштирарди. Бу ўзига хос сиёсий анъана мустақил Ўзбекистонда ҳам турли сабабларга кўра сақланиб келди. Биринчидан, сиёсий элита реал сиёсий рақобатдан чўчиб, хилма-хил партиялар шаклланишига имкон бермади. Иккинчидан, халқ орасида ҳам сиёсий партиялар атрофида бирлашиш анъанаси ҳали тўғалмигача шаклланиб улгурмаган эди.

Айтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир нечта сиёсий партия мана шундай шароитда шакллантирилди. Бирок бу партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмади. Ҳолбуки, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва низоми бор эди. Ёки бошқача айтганда, бу партиялар гарчи расман турли идеологияга эга бўлса-да, лекин улар бир-бирига шу қадар яқин эдики, оқибатда, мамлакат сиёсий майдонига ўз ўрнини

анжуманлардан, мажлисвозлику ҳисобот гаплардан қочиб, халққа яқинроқ бўлиши, сиёсий қарашларини тарғиб қилишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиши, зерикарли тадбирлар эмас, сиёсий йиғин ва акциялар ўтказиши керак.

Бир сўз билан айтганда, партия ғояларини амалга ошириш учун электоратнинг ҳаётини муаммолари моҳиятига чуқурроқ кириб бориш зарур эди. Аммо Ўзбекистондаги сиёсий партиялар бундай фаолият юритмагани боис халқ орасида етарли мавқега эга бўлмади. Мана шундай сиёсий вазиятда партияларнинг Платформалари бир четда қолиб, уларнинг алоҳида вакиллари халқ орасида машҳурликка эришаётгани ҳам кутилган ҳолат.

Айтайлик, мен Расул Кушербоев қайси партия вакили эканини аниқ билмайман. Лекин унинг фаолияти билан яхши танишман. Масаланинг бошқа жиҳати — унинг ўзи ҳам бевосита вакили бўлмиш партиянинг идеологиясини тарғиб қилиш билан шуғулланмаслиги.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бир-бирига ўхшаб кетувчи партия сингари, ўша ном қозонаётган депутатлар ҳам, партия вакиллари ҳам алоҳида сиёсий қиёфага эга эмас, десак хато бўлмайди. Фуқароларимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий онги, жамиятда рўй бераётган воқеалар, ислохотларга дахлдорлик ҳисси кучайгани, масъулият ва жавобгарлик туйғусининг ошгани сиёсий партиялар олдида ҳам аҳоли билан иш олиб боришда янгича ёндашув талабини кўяётган экан, улар ҳам бор-йўғи реал

ижтимоий муаммоларга эътибор қаратяпти, холос. Бундай муаммолар етарлича экани, кенг муҳокамада тургани боис шу орқали ном қозониш ҳам нисбатан осон бўлаётир. Буни реал сиёсий фаолият деб баҳолаш эса ўз-ўзини алдаш билан тенг, дейиш мумкин.

Хуллас, Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўзларига берилган ваколат ва имкониятдан тўла фойдалана олмаяпти, янги ғоялар, янги ташаббус ва тақлифларни ўртага қўяётгани йўқ, ўз қиёфаси ва электоратини тўлиқ шакллантирган эмас. Халқ орасига ўз идеологиясини билан чуқур кириб бора олгани боис, айниқса, оддий одамлар уларнинг сиёсий мақсад ва масалани тушуниб етган эмас. Таъбир жоиз бўлса, "Адолат" партияси деганда ҳаммиша норози ҳуқуқ ҳимоячилари ва сўллар, "ЎзЛиДеП" деганда тўқ, бой-бадавлат корчалонлар, "Миллий тикланиш" деганда миллий қиёфа, миллий характер, миллий позиция учун ўз ҳаётдан ҳам кечिशга тайёр фаол ёшларни тушунишни хоҳлардим. Аммо қайси партия тадбирига бормай, нуқул сипо кийинган "амаки"ларни кўраман ва... қуруқ ваъз ҳамда зерикарли ҳисоботларни эшитишга тўғри келади.

Яна такрорлайман: бундай шароитда алоҳида шахслар мавқеи сайловда биринчи ўринга чиқиши, табиий ҳолат. Айни пайтда, бу шахслар ҳам ўзига хос сиёсий қиёфага эга эмас. Айтайлик, кимдир "снос"ларга қарши курашса, кимдир зўр бериб экологияни ҳимоя қилишни тарғиб этса, бирор партия вакили социал ёрдамни оширишни талаб қилса ва яна бирор расмий доктринага қарши чиқиб, социализм ёки бошқасини тарғиб қилса, мана шунда Ўзбекистонда реал сиёсатчилар пайдо бўлади, сиёсий муҳораба бошланади, деб айта олиш мумкин.

Ҳозирча эса бундай дея олмаймиз: сиёсий майдон, сиёсий кураш сезилмайди, ҳатто сиёсатчиларимиз ҳам сайлов яқинлашгандагина фаоллашиб қолади. (Дарвоқе, сайлов ҳақида. Жорий йилда сиёсий партиялар олдида жиддий синов турибди. Яъни йил якунида парламент қуйи палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга депутатлик сайловлари бўлиб ўтади. Унда муваффақият қозониш эса кўп жиҳатдан партиянинг дастури ва сайловолди Платформаси қанчалик халқчил ва долзарб масалаларни қамраб олганлигига бевосита боғлиқ). Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда битта қатъий ва позицияси жуда мустақам тизим бор, унинг ҳеч қандай сиёсий рақобатчиси йўқ. У белгилаб берган аниқ сиёсий чегаралар бор, партиялар ҳам, уларнинг ёрқин вакиллари ҳам ўз фаолиятида чегарадан чиқмай, одоб билан белгилаб берилган мавзу ва соҳаларга эътибор қаратади.

Ҳолбуки, сиёсий партиянинг ҳақиқий кучи, партия ташкилотлари ва депутатларнинг ташаббускорлиги, электорат манфаатларини қай даражада ҳимоя қила олиши рақобат жараёнида намоён бўлади. Рақобат фақат рақобат учун бўлиб қолмаслиги керак. Унинг амалий натижаси бўлиши учун сиёсий партиянинг ҳар бир вакили фаол ишлаши, қаерда бўлмасин партия ғоясидан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назарини, қатъий позициясини ҳимоя қилиши зарур. Сиёсий партиялар аниқ идеологияга эга бўлса, уни тарғиб қилса, ўзаро реал рақобатчи бўла олсагина "халқ нега партияга эътибор қаратмаяпти?" қабилидаги саволларни берсак мақсадга мувофиқ. Агар одамлар ана ўшанда ҳам уларга эътибор қаратмаса... (унда бу чинданам ғалати ҳолат бўлади!)

**Элдор АСАНОВ, блогер**



## Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди “ОАВда миллатлараро бағрикенглик ва дўстликни, тинчлик ва барқарорликни кенг тарғиб этиш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда tutgan ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

— аждодлар томонидан тўпланган тарихий, маданий меросларни асраб-авайлаш, унинг ўсиб келаётган авлод тарбиясида зарурлиги борасидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар онгига сингдиришга, этник маданий аъёнларни асраб-авайлашга, халқ ижодиётини қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш;

— Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг азалий миллий аъёнлари, урф-одатлари, удумларини сақлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

— маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида маданий меросга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга бекум қўст етказиш ва маданий меросга

бўлган муносабатни шакллантириш борасида тарғибот ишларини кучайтириш;

— мамлакат маданий-тарихий меросини оммалаштиришга, тарихий сайёҳлик қадимжоларни танитишга, уларни фаолиятини тарғиб этишга қаратилган ОАВ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

— миллий маданий марказлар томонидан мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларини чоп этишга, халқ оммасига етказишда ҳар томонлама қўмаклашиш;

— Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш соҳасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари, қадриятлари тўғрисида ахборот, тадлий материаллар ва янгиликларни миллий ва хорижий ОАВда кенг ёритиш;

— жамиятда миллатлараро тотувликни мустақкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакиллариининг ўзига хос миллий аъёнлари,

урф-одат ва маросимларини сақлаш ҳамда ривожлантириш бўйича мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш;

— миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бирдамликни янада мустақкамлаш, конфессиялараро тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

— миллий хунармандчилик соҳасида устоз-мураббийлик аъёнларини янада ривожлантириш, кекса авлоднинг билими, тажрибаси ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уларни ҳаётга таъбиқ этишга қўмаклашиш;

— туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибдорлигини кучайтириш;

— туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган янги маданий сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда инновацион технологияларни жалб этишга қўмаклашиш.

**Давлат гранти танловида иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзо-

ланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатуе хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устас (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди” номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар (0-371) 239-26-76, 239-26-86

## Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди “Жамиятда юксак маънавиятни ва қонун устуворлигини таъминлашга қўмаклашиш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда tutgan ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб беришга, қонун меъёрлари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;

— аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашиш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ННТ фаолиятини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий онгни юксалтиришга қаратилган лойиҳалар-

ни қўллаб-қувватлаш;

— қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришда ижтимоий шерикликнинг инновацион усулларини жорий этиш;

— сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, маҳалларлар ободлигини таъминлашга қўмаклашиш;

— аҳолининг маънавий-ахлоқий, психологик билимларини ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

— кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёши улуг инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёшлар томонидан уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиш, кексаларни ҳурмат қилишга, эъозлаш,

ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида шакллантиришга қўмаклашиш;

— ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тенг шароит яратиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, меҳнат фаолиятига мослаштиришга ёрдам кўрсатиш;

— ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, фидойилик туйғуларини қарор топтиришга қўмаклашиш;

— аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

— вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга шарт-шароитлар яратишга қўмаклашиш;

— одам савдоси, ноконуний меҳнат миграциясидан жабр кўрган фуқароларга тизимли профилактик тарғибот, ташвиқот ва реабилитация чора-тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

**Давлат гранти танловида иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзо-

ланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатуе хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устас (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;

4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди” номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй манзилига “Ўзбекистон почтаси” орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар (0-371) 239-26-76, 239-26-86

### “FARG'ONA SERVIS” МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Фарғона вилоят прокуратурасининг 26.08.2019 йил №28/2-19-80 сонли хатига асосан:

1. “NEXIA” русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 40 119 NBA, бошланғич баҳоси — 17 766 000 сўм;

2. “NEXIA” русумли, 2009 йилда ишлаб чиқари лган, давлат рақами: 40 124 NBA, бошланғич баҳоси — 17 862 000 сўм.

II. Аукцион савдосига “Ўздавнефтогазинспекция” Фарғона ҳудудий бўлимига қарашли “Nexia DONS” русумли, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01 822 NFA, техник-носоз ҳолда бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 20 403 006 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 2 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабномалар хабарнома чиққан

кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 30 сентябрь соат 16:00.

**Талабгорлар диққатига!** Агарда автотранспорт воситалари 2 октябрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2019 йилнинг 10 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномаси имзолангандан сўнг, шартномага асосан “FARG'ONA MULK SERVIS” МЧЖнинг ХАБ “Трастбанк” Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаши лозим: Х/П: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй. Тел: +99895-402-54-75

Гувоҳнома № 1894.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши стол (анжуманлар зали учун), ноутбук (Aker CPU 13/DDR 4 GB/NDD 500GB/15,6 ND LED/DVD/ intel FHD Graphics), планшет (Samsung Tab E 9,6), холодильник (Artel HD 137RN), шаҳар ва туман ташкилотлари эҳтиёжлари учун сканер апарати (Canon Lide 300, UPS 600 T ION), стул, китоб жавони сотиб олиш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон: 71-239-27-53, 244-30-98. Факс: 71-239-45-53.

# BYUDJET MABLAG'LARINI TALON-TAROJ QILISHGA QACHON CHEK QO'YILADI?

**Yaqinda bo'lib o'tgan Oliy Majlis Qonunchilik palatasining navbatdagi yig'ilishida "O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetining va davlat maqsadli jamg'armalari byudjetlarining 2019-yil birinchi yarim yillikdagi ijrosi to'g'risida"gi hisobotni tasdiqlash haqida qaror qabul qilindi.**

**Bundan oldin ushbu masala bo'yicha O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi fraksiyasi yig'ilishi bo'lib o'tdi. Tadbirni fraksiya rahbari Alisher Qodirov olib bordi.**

Fraksiya yig'ilishida Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetining va davlat maqsadli jamg'armalari byudjetlarining 2019-yil birinchi yarim yillikdagi ijrosi to'g'risida"gi hisoboti eshitildi. Hisobot deputatlar tomonidan partiyaning dasturiy maqsad va saylovoldi Platformasida belgilangan vazifalardan kelib chiqqan holda ko'rib chiqilib, atroflicha muhokama qilindi.

Yig'ilishda ta'kidlanganidek, Prezidentimiz rahbarligida aholi turmushini yaxshilash, iqtisodiy taraqqiyot, hududlarni kompleks rivojlantirish borasida belgilangan ustuvor vazifalarning izchil amalga oshirilayotgani makroiqtisodiy barqarorlik hamda davlat byudjetida belgilangan parametrlar ijrosi to'la bajarilishini ta'minlamoqda. Xususan, "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi dasturiy maqsadlariga uyg'un va hamohang tarzda kechayotgan islohotlar eksport hajmining ortishi, ichki bozorni arzon, sifatli, xaridorir mahsulotlari bilan to'ldirish, aholining xarid qobiliyati o'sishiga xizmat qilayotir.

Hisobot davrida mamlakat yalpi ichki mahsuloti qariyb 222 trillion so'mni tashkil etib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan 5,8 foizga o'sgan. 2019-yilning birinchi yarim yilligida YaIMning tarmoqlar bo'yicha tarkibi mos ravishda sanoatda — 30,3 foiz, qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida — 24,3 foiz, qurilish sohasida — 7,6 foiz, xizmatlar yo'nalishida — 37,8 foiz o'sishiga erishilgan. Iqtisodiyotimiz tarixida birinchi marta investitsiyalarning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi oldingi yillardagi 25 foizdan 38 foizga oshgan.

Mamlakat iqtisodiyotini

rivojlantirish, jumladan, soliq ma'murchiligi va byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish, mahalliy byudjetlar daromadini oshirish borasida amalga oshirilgan kompleks chora-tadbirlar natijasida hisobot davrida Davlat byudjeti tasdiqlangan parametrlarga muvofiq ijro etildi. Xususan, joriy yilning birinchi yarim yilligida Davlat byudjeti daromadlari qariyb 51 trillion so'mni tashkil qildi. Mahalliy byudjetlar ixtiyorida esa 2,6 trillion so'mdan ziyod mablag' qoldi. Ushbu ko'rsatkich o'tgan yilning mos davriga nisbatan 1,5 baravarga ko'p. Bu esa hududlarning mavjud masalalarni moliyaviy jihatdan mustaqil hal etishida muhim omil bo'layotir.

O'zbekiston Respublikasi moliya vaziri o'rinbosari Yorqin Tursunovning ma'lumotlariga qaraganda, davlat byudjetidan sog'liqni saqlash, ta'lim, ijtimoiy himoya, qo'yingki, barcha soha rivoji uchun yakunlangan yarim yillikda avvalgi hisobot davriga nisbatan sezilarli miqdorda ko'p mablag' ajratilgan. Mahalliy byudjetlar ixtiyorida qolayotgan mablag'lar ham kam emas.

Yig'ilishda deputatlar hududlarga chiqib, joylarda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayoni bilan tanishganda hal qilinishi lozim bo'lgan ko'plab muammo va kamchiliklar aniqlayotganini ta'kidladilar. Aholi, ayniqsa, sog'liqni saqlash tizimi faoliyatidan hamon norozi. Qishloq poliklinikalarida mutaxassislar yetishmaydi, odamlar viloyat markazi, hatto poytaxtimizga kelishga majbur bo'layotir. Mazkur muammo deputatlar tomonidan bir necha yildan buyon ko'tarilayotgan bo'lsa-da, hamon hal qilinmayapti.



Ba'zi poliklinikalarda oddiy shpris yetishmaydi, boshqalariga esa ayrim dorilar keragidan ortiq berilgan.

"Biz moliya vaziri o'rinbosari keltirgan statistik ma'lumotlarga endi odamlarni ishonтира olmamiz. Ular bizdan muammolariga aniq, samarali va tezkor yechim talab qilmoqda", —

tadbirlarga qaramay, byudjet tashkilotlari tomonidan davlat mablag'larini talon-taroj qilish, noqonuniy xarajatlar, kamomad, o'zlashtirish holatlari hamon davom etyapti. Xususan, 3 ming 205 ta byudjet tashkiloti tekshirilganida ularning 2 ming 620 tasida jami 54 milliard so'mlik moliyaviy xatolikka yo'l qo'yilgan.

sohalarini rivojlantirish, shahar va qishloqlarda arzon uy-joylar qurish, ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish bo'yicha maqsadli dasturlarni o'z vaqtida, to'liq moliyalashtirish amalga oshirilganini alohida e'tirof etdi.

Muhokama chog'ida fraksiya a'zolari Hukumat tomonidan taqdim etilgan hisobotlarni qo'llab-quvvatlagan holda, mamlakat byudjetining hisobot davridagi ijrosi bilan bog'liq bir qator masalalarga e'tibor qarattir. Avvalo, partiya saylovoldi Platformasida ko'zda tutilgan eksport qiluvchi korxonalarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, eksportni diversifikatsiya qilish, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarni sotish uchun yangi bozorlarni o'zlashtirish bo'yicha ko'rilayotgan chora-tadbirlarni tizimli davom ettirish, jismoniy va yuridik shaxslarning soliq qonunchiligiga to'la rioya qilishini ta'minlash, mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari tomonidan mavjud imkoniyatlardan samarali foydalanishni yanada kuchaytirish zarur. Shuningdek, vazirlik, idora va mahalliy hokimliklarning byudjetdan ajratilayotgan mablag'larning maqsadli sarflanishi borasidagi mas'uliyatini oshirish va bu borada parlament nazoratini yanada kuchaytirish lozimligi ta'kidlandi.

Fraksiyaning ushbu masala yuzasidan tegishli qarori qabul qilindi.

**Ravshan MAHMUDOV,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri

Jizzax shahridagi bitta maktabda 122 million so'mlik byudjet mablag'i o'zlashtirilgani aniqlandi. Ushbu ta'lim muassasasida 56 yoshli pensioner o'qituvchi ayolga 2018-yilning sentyabr-noyabr oylarida homiladorlik nafaqasi yozilgan.

dedi fraksiya a'zosi Inoyat Hojiyev.

Yig'ilishda davlat byudjetidan ajratilayotgan maqsadli mablag'lar boshqa yo'nalishlarga sarflab yuborilayotgani tanqid qilinib, bu boradagi nazoratni yanada kuchaytirish zarurligi qayd etildi. Jumladan, muhokamada deputatlar ayrim byudjet tashkilotlarida mablag'lardan foydalanish ahvoli yuzasidan o'tkazilgan tekshiruvlarda qator xato va kamchilik aniqlanganiga e'tibor qarattir. Bu borada mutasaddi vazirlik va idoralar, mahalliy hokimliklar mas'uliyatini yanada oshirish, byudjet tashkilotlarida moliyaviy intizomga rioya etilishini to'la ta'minlash zarurligi ta'kidlandi.

Chunki ko'rilayotgan chora-

Misol uchun, Jizzax shahridagi bitta maktabda 122 million so'mlik byudjet mablag'i o'zlashtirilgani aniqlandi. Ushbu ta'lim muassasasida 56 yoshli pensioner o'qituvchi ayolga 2018-yilning sentyabr-noyabr oyda homiladorlik nafaqasi yozilgan. Hatto maktab qorovuli bo'lib ishlayotgan erak kishiga ham 2017-yilda shu turdagi nafaqa berilib, maktab direktori davlat byudjetidan ajratilgan mablag'ni talon-taroj qilgan. Afsuski, bunday misollarni yana ko'plab keltirish mumkin.

Fraksiya a'zolari partiya saylovoldi Platformasidan o'rin olgan ta'lim, sog'liqni saqlash, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san'at, sport

# ERKIN FIKR YO'Q JOYDA RIVOJLANISH BO'LMAYDI

Bugun turli g'oyalar, mafkuralarning inson ongi va qalbini zabt etish maqsadidagi o'zaro kurashi har qachongidan ko'ra shiddatli tus olmoqda. Shu o'rinda mashhur hind arbobi Mahatma Gandining "Men uyimning darvoza va eshiklarini doim mahkam berkitib o'tira olmayman, chunki uyimga toza havo kirib turishi kerak. Shu bilan birga, ochilgan eshik va derazalarimdan kirayotgan havo dovul bo'lib uyimni ag'dar-to'ntar qilib tashlashi, o'zimni esa yiqitib yuborishini ham istamayman", — degan fikrlarini esga olmoq joiz. Darhaqiqat, derazani ochganimizda xonaga toza havo bilan birga tashqaridan, albatta, chang-g'ubor ham kirib keladi. Biz ayni paytda turli vositalar orqali deyarli har kuni u yoki bu axborotni qabul qilamiz. Biroq ular orasidan foydalisini tanlash imkoniyati o'zimizga bog'liq.



O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Markaziy kengashi va Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi partiya fraksiyasi tashkil qilgan "Milliy yuksalish g'oyasini amalga oshirishda axborotlashgan jamiyat va axborot madaniyati" mavzusidagi ochiq muloqotda shu haqda so'z bordi. O'ZMTDP Markaziy kengashi va Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi partiya fraksiyasi a'zolari, Madaniyat vazirligi va boshqa idoralar, jamoat tashkilotlari vakillari, ekspertlar hamda ommaviy axborot vositalari xodimlari ishtirok etgan tadbirda yosh avlod ong-u shuuriga yot g'oyalar tahdid solayotgani, bu, ayniqsa, hozirgi globallashuv davriga xos jarayon ekaniga alohida e'tibor qaratildi.

— So'z erkinligi, erkin mushohada jamiyatda turli sohalarda tub burilish yasalishga zamin yaratadi, — dedi partiya Markaziy kengashi raisi Alisher Qodirov. — E'tibor berib qaraydigan bo'lsak, dunyoda kechayotgan ayovsiz raqobat muhitida mafkuralar o'rtasidagi kurash tobora keskinlashib boryapti. Oqibatda, buzg'unchi g'oyalar, nosog'lom qarashlar kuchayayotir. Bu illatlarning xalqimiz, ayniqsa, yoshlar dunyoqarashini o'zgartirishiga yo'l qo'ymaslik asosiy maqsad-vazifalarimizdan biriga aylanmog'i kerak.

O'tkazilayotgan debatlar, ochiq muloqot va davra suhbatlari globallashuv davrida kechayotgan o'zgarishlarga munosabat, jamiyatdagi muammolar, partiya faoliyatidagi kamchiliklarni ochiq-oydin muhokama qilish, keyingi faoliyatimizni aniq belgilashda dasturulamal vazifasini o'taydi.

Muloqotda har qanday jamiyat o'zagi, taraqqiyot asosini madaniyat tashkil etishi ta'kidlandi. Inson borki, o'z hayotining har lahzasida yo axborot oladi, yo uni idrok etadi yoki uzatadi. Ushbu uch jarayonning to'rtinchisi — keraksiz axborotdan xalos bo'lishdir. Biz axborot erkinligi haqida gapirar ekanimiz, jahon miqyosida keraksiz axborotdan qutulish muammosi ham paydo bo'lganini tan olishimiz lozim. Axborot madaniyati mazkur to'rt bosqichli jarayonda yashash hamda faoliyat yuritishga zamin yaratib, doimiy yordamchiga aylanadi. Axborot almashinuvi sohalari, jamiyatlar, mamlakatlar, mintaqalar va dunyo miqyosida keng ko'lamda kechayotganini tasavvur qilsak, ushbu masalaning ham ilmiy, ham amaliy ahamiyati naqadar ulkan ekanini yanada chuqurroq his etamiz. Biroq mazkur sohada erishilayotgan yutuqlar qatorida fuqarolarning axborot huquqlari buzilishi bilan bog'liq bir qator muammolarning vujudga kelishi hamda tashqi

hamda ichki axborot tahdidlari ta'sirining kuchayib borishi davlat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda.

Internet orqali noxolis axborotlarning ommaviy tarqalayotgani dolzarb muammolardan biri bo'lib turibdi. Eng xavfli, ushbu jarayonda balog'at yoshiga yetmagan bolalar va yoshlar ana shunday axborotlar iste'molchisiga aylanib qolayotir. Agar yoshlar rivojlanishining fiziologik va psixologik xususiyatlarini hisobga olsak, ular tarqatilyotgan axborotlar qurboniga aylanmasligiga hech qanday kafolat yo'qligiga amin bo'lamiz.

Tadbirda, shuningdek, axborot oqimi shiddati ortgani sayin odamlarda individuallashuvga moyillik ham kuchayayotganiga e'tibor qaratildi. Ammo, shunga qaramay, ulardan to'g'ri foydalanishga erishish nihoyatda dolzarb masalaga aylanganini deputatlar alohida ta'kidladilar. Ochiq muloqot yakunida ishtirokchilar tomonidan milliy yuksalish g'oyasini amalga oshirishda axborotlashgan jamiyat va axborot madaniyatini shakllantirish, milliy axborot makonini yanada barqaror rivojlantirish maqsadida axborot sohasidagi milliy qonunchilikni takomillashtirish bo'yicha takliflar berildi.

O'ZMTDP Markaziy hamda hududiy kengashlarida partiya Dasturi hamda 2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan yangi saylovoldi Platformasi loyihasi keng muhokama qilinmoqda.

## SAYLOVOLDI PLATFORMA: U HAYOTGA YAQIN BO'LISHI KERAK



Poytaxtimizdagi "Do'stlik saroyi"da partiya Markaziy kengashi tashabbusi bilan yurtimizdagi milliy madaniy markazlar vakillari ishtirokida o'tkazilgan ochiq muloqotda mamlakatimizda bag'rikenglik, millatlar va dinlararo munosabatlarni ta'minlash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanishi ta'kidlandi. Bugun O'zbekistonda 130 dan ziyod millat va elat vakillari ahil-inoq yashab kelmoqda.

"Milliy tiklanish" demokratik partiyasi ko'p millatli O'zbekiston xalqining milliy an'analari, urf-odatlari va marosimlarini qayta tiklash va ko'paytirish, shuningdek, ma'naviyat va madaniyatni rivojlantirish, millatlararo munosabatlarni yanada mustahkamlashni o'zining asosiy vazifalaridan, deb biladi. Partiya bu jarayonda faol ishtirok etib, mamlakatimizda istiqomat qilayotgan turli millat va elatlar o'rtasidagi do'stlik rishtalarini yanada mustahkamlashga astoydil harakat qilmoqda. Xususan, partiya 2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi bilan hamkorlikni faollashtirish, xorijiy davlatlar jamoatchiligini O'zbekiston tarixi va madaniyati bilan tanishtirish tarafdori.

Tadbirda markaz vakillari partiya Dasturi va saylovoldi Platformasini takomillashtirish yuzasidan o'z takliflarini bildirdi. Partiya safida bo'lish istagini bildirgan milliy madaniy markazlar vakillariga "Milliy tiklanish" DPning a'zolik guvohnomalari topshirildi.

O'ZMTDP Jizzax viloyat kengashi partiya Dasturi va 2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi muhokamasiga bag'ishlangan debat tashkil etdi. Debatda ishtirokchilar tomonidan yangilanayotgan saylovoldi Platformasini takomillashtirish yuzasidan bir qator takliflar bildirildi:

— Ma'naviyat va ma'rifat masalalarini yanada ko'proq reklama qilish, ularning asl mohiyatini fuqarolarga yetkazish hamda bu borada targ'ibot ishlarini kuchaytirish;

— Madaniyat markazlarining

moddiy-texnik ta'minoti va partiya Platformasiga ularni rivojlantirishga qaratilgan alohida band kiritish;

— Mahalliy lashtirish dasturi doirasida ishlab chiqaruvchilarga imtiyoz va preferensiyalar berish orqali import o'rini bosuvchi va eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni yanada rag'batlantirish;

— Forish tumanining turistik salohiyatini yanada kengaytirish, Platformaning iqtisodiy jihatlariga hududiy jihatdan yondashish;

— Platformaning ijtimoiy sohalardagi vazifalarni kengaytirish, unga tibbiyot, sport bo'limlarini kiritish.

Tadbirda bildirilgan takliflar asosida partiya saylovoldi Platformasini yanada mukammal holga keltirish, bu kabi debatlarini tumanlarda ham o'tkazishga kelishib olindi.

\*\*\*

O'ZMTDP Sirdaryo viloyat kengashi Guliston shahrida o'tkazgan debatda partiya Dasturi va saylovoldi Platformasi loyihasi yana bir bor muhokama qilindi. Partiya Xovos tuman kengashi raisi Bobur Ko'chimov iqtisodiy sohadagi vazifalarga to'xtalib, kichik biznes vakillari uchun ajratilayotgan kredit foizlarini respublika bo'yicha bir xil emas, aksincha, har bir hududning ijtimoiy-iqtisodiy holatidan kelib chiqib belgilash taklifini bildirdi.

Chetdan innovatsion texnologiyalarni xarid qilishga chek qo'yish maqsadida iqtidorli yoshlarimizni to'plab, ularning yaratuvchanlik va izlanuvchanlik qobiliyatlarini yanada oshirishga ko'maklashish, hozirgi zamon talabiga mos laboratoriyalar tashkil qilish, ta'lim to'g'risidagi huquqiy hujjatlar qo'shimchalar kiritish lozim.


Debatda, shuningdek, viloyatda turizm sohasini yanada rivojlantirish, mahalliy hunarmandlarni qo'llab-quvvatlash, xotin-qizlarni munosib ish bilan ta'minlash, hunarmandchilikka yo'naltirish, yoshlarni kitobxonlikka qiziqtirish borasida turli loyihalar ishlab chiqish hamda jozibador mehnat bozorini yaratish kabi takliflar ilgari surildi.

■ **Dilfuza MAHKAMOVA, Sardor MULLAJONOV (foto), "Milliy tiklanish" muxbirlari**

# QAYSI PARTIYA G'OLIB BO'LADI?

**Agar ertaga parlament saylovi o'tkazilsa, qaysi partiyaga ovoz bergan bo'lardingiz?**

Ayni shu savol yuzasidan yaqinda "Sizning fikringiz" telegram-kanali orqali so'rov o'tkazildi. Qariyb 34 ming kishi qatnashgan so'rovning 26-avgust kungi holati bo'yicha O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi ishtirokchilarning 32 foiz ovoziga ega bo'lib — birinchi, Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — O'zbekiston Liberal demokratik partiyasi (29 foiz) esa ikkinchi o'rinni band etdi. 27-avgust kungi yakuniy bosqich natijalariga ko'ra, O'zLiDeP 35 foiz ovoz bilan birinchi, O'zMTDP esa ikkinchi o'rinni egalladi. Keyingi pog'onani 6 foiz ovoz bilan "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi band etgan bo'lsa, Xalq demokratik partiyasi (XDP) atigi 5 foizlik natijaga erishgan. Yil boshida siyosiy partiya sifatida ro'yxatga olingan "ekolog"larni esa ishtirokchilarning 3 foizi qo'llab-quvvatlagan. 13 foiz ishtirokchining qaysi partiyani yoqlashni bilmay boshi qotgan, 3 foizi esa "bilmadim" deyish bilan kifoyalangan.



pog'ona yuqorilab ketganini kuzatish mumkin. Xususan, O'zMTDP ijtimoiy tarmoqlarda katta bahs-munozaraga sabab bo'lgan rus tiliga rasmiy maqom berish tashabbusiga birinchilardan, "tepadan" ruhsat kuttmasdan munosabatini bildirdi. Jamiyatda uchrayotgan "qaynoq" masalalarga vaqtida o'z munosabatini

Ushbu so'rov natijalaridan partiyalarning jamiyatimizdagi bugungi mavqeyi qay darajada ekanini nisbatan aniqlasa bo'ladi. Demak, mazkur so'rov ham shu yilning dekabrda bo'lib o'tadigan Oliy Majlis Qonunchilik palatasi, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga saylovda kurash, asosan, O'zMTDP va O'zLiDeP vakillari o'rtasida kechishi kutilayotganini tahlil qilish mumkin.

So'rov natijalarini xususida chiqish qilgan "Minbar.uz" da ta'kidlanishicha, O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi kundan kunga o'zgarayotgan siyosiy voqelikdan unumli foydalanayotgan yagona partiya bo'lib qolmoqda. Avvalgi parlament saylovlarida doimo XDP bilan ikkinchi o'rin uchun kurashib kelgan O'zMTDP nafaqat an'anaviy raqibini ancha ortda qoldirdi, balki "hukmron partiya"ning jiddiy raqobatchisiga aylandi.

So'nggi paytlarda partiya o'z faoliyatini yanada jonlantirgani, elektorat bilan ishlashda raqiblariga qaraganda sifat jihatidan bir necha

bidirish orqali partiya o'zining asosiy funksiyasi — "ijtimoiy amortizator" rolini eplashga harakat qilmoqda. Shuningdek, jamiyatimizdagi tezkor o'zgarishlardan ortda qolmaslik, amalga oshirilayotgan islohotlarning shunchaki kuzatuvchisi emas, balki xalq manfaatini, yurt ravnaqiga qaratilgan tashabbuslari bilan oldingi safda bo'lishga intilyapti.

Haqiqatan ham, O'zMTDP faoliyatida muhim amaliy o'zgarishlar, tub islohotlar davri boshlandi. Saylovchilar talabidan kelib chiqqan holda "Inson o'zgarmasa, jamiyat o'zgarmaydi" g'oyasi ostida turli tadbirlar, ayniqsa, ochiq muloqotlar tashkil etilayotir. Partiya Dasturi va 2020 — 2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi keng muhokama qilinib, bu borada olimlar, ekspert, siyosatshunoslar, yozuvchi-shoirilar, partiya faollarining taklif, fikr-mulohazalari o'rganilmoqda. Partiya tashkilotlarining eshiklari erkin fikrlavchi, xato va kamchiliklarni ochiq-oydin, oshkora, ro'y-rost, xolis va haqqoniy aytadigan, so'z va fikr erkinligi taqomillariga to'la amal qiladiganlar

uchun yanada kengroq ochildi.

Partiyaning yangi yetakchisi o'z faoliyatida ilk rasmiy uchrashuvini yurtimizning eng faol jurnalistlari hamda blogerlar bilan o'zaro fikr almashishdan boshlagani fikrimiz tasdig'idir. Uchrashuvda "O'zMTDP aslida qanday bo'lishi kerak?", "Saylovoldi Platformasi bugungi davri talablariga javob beradimi?", "Unga qanday yangilik va qo'shimchalar kiritish lozim?", "Ayni siyosiy maydonga qanday g'oyalarni yaratish, saylovchilar manfaatini, siyosiy partiyalar faoliyatidagi birxillikka barham berish, aniq g'oya va elektoratga ega bo'lish, mavhum, balandparvoz shior, ma'ruza va statistika uchun o'tkazilayotgan tadbirlarga chek qo'yish kabi muhim masalalar muhokama qilindi.

OAV vakillari ham rasmiylikdan xoli, ochiq-oshkora tarzda o'tkazilgan ushbu uchrashuvda O'zMTDP davlat tili maqomini oshirish, eng muhim masalalar bo'yicha debatlar tashkil etish, ochiq raqobatga kirishish, elektorat bilan ishlash, xalqaro hujjatlarni qabul qilishda partiyaning qat'iy pozitsiyasini belgilash borasida hamda saylovoldi va dalarni to'liq jiro etishda sustkashlik qilayotganini tanqid qilgan edilar.

Shuning uchun ham partiya rahbariyati ayni paytda asosiy e'tiborni jamiyatda milliy ong, milliy tafakkurni rivojlantirish, yoshlarga ma'nan yetuk ta'lim-tarbiya berish, jismonan sog'lom, barkamol avlod borasida kutilmagan tashabbuslarni ilgari suryapti. Kelajagimiz egalarni bag'rikenglik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, tarix, madaniyat, milliy ana'ana va urf-odatlarini asrab-avaylash ruhida tarbiyalashga ham alohida e'tibor qaratyapti.

Ma'lumki, hunarmandchilik milliy qadriyatlarimizning ajralmas qismi hisoblanadi va soha vakillari millat madaniyatini avloddan avlodga yetkazuvchi ijodkorlardir. Hunarmandchilik turlarini rag'batlantirish, qayta tiklash va rivojlantirish, badiiy-hunarmandlik maktablari an'alarini saqlab qolish partiyaning bosh g'oyasi ekan, O'zMTDPning ushbu soha vakillari faoliyati, ularni o'ylantirayotgan tashvishlarga befarq bo'lishga haqqi yo'q. Shu ma'noda, sohadagi qator muammolarni aniqlash va ularga qonuniy yechim topish maqsadida so'nggi kunlarda hunarmandlar bilan ko'plab yuzma-yuz uchrashuvlar tashkil qilinmoqda.

**Ravshan MAHMUDOV,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri

## Munosabat

Kuy-qo'shiq, musiqa sadolari baralla yangragan o'lkadagina tinch-totuvlik, xotirjamlik bo'ladi. Zero, dillarga orom baxsh etguvchi bu taronalar faqat tinch yurtgagina yarashadi. "Sharq taronalari" festivalining qamrovi bugun tobora kengayib, faqat Sharqdagina emas, balki butun jahon ahlini go'zallik, nafosat va ezgulikka da'vat etish, dunyo xalqlarining noyob musiqiy merosi, an'alarini keng ommaga yetkazish, yosh avlodni san'at, musiqa, mehru-muhabbatli qilib tarbiyalashdek ezgu maqsadlarni ro'yobga chiqarishda ham katta ahamiyatga ega bo'lib bormoqda. Shu bois har ikki yilda o'tkaziladigan mazkur nufuzli tadbir joriy yilda o'n ikkinchi bor tashkil etildi. YuNESKOning xalqaro madaniy tadbirlari doirasidan o'rin olgan ushbu festival kunlarida o'tkazilgan keng qamrovli ilmiy-amaliy anjuman

## "SHARQ TARONALARI" QAMROVI VA GEOGRAFIYASI TOBORA KENGYMOQDA

va konfrensiyalarning mohiyati va ahamiyatini yanada oshirdi, desak xato bo'lmaydi.

Festival dunyo xalqlari o'rtasida ijodiy hamkorlikni mustahkamlash, o'zaro madaniy aloqalar doirasini kengaytirishdek ulug' maqsadlarga xizmat qilmoqda. Zero, Prezidentimiz ta'kidlaganidek, "Dunyoda qarama-qarshilik va ziddiyatlar kuchayib borayotgan g'urur o'ta murakkab zamonda millati, tili va dini turlicha bo'lgan millionlab odamlarni hech qanday tarjimonisiz do'st qiladigan, ular o'rtasida hamkorlik va hamjihatlikni yanada mustahkamlaydigan musiqa san'atining o'imi va ta'siri tobora ortib bormoqda".

Yana bir muhim jihat: Samarqandda bo'lib o'tgan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivali doirasida O'zbekiston Madaniyat vazirligi, Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi va YuNESKOning Osiyo va Tinch okeani mintaqasi nomoddiy madaniy merosi xalqaro axborot va hamkorlik markazi (ICHCAP) o'rtasida Buyuk ipak yo'lidagi madaniy merosni saqlash bo'yicha memorandum imzolandi.

Bundan tashqari, festival doirasida "Sharq xalqlari an'anaviy musiqa san'atini rivojlantirish istiqbollari" mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya bo'lib o'tdi. Unda etnomusiqashunoslik sohasi mutaxassislari, Sharq musiqasi tadqiqotchilari ishtirokida Sharq musiqasining shakllanishi, rivojlanishi bilan bog'liq dolzarb muammolar, Sharq xalqlarining bebaho madaniyatini asrab-avaylash va kelgusi avlodga yetkazish kabi muhim va dolzarb masalalar keng va atroflicha muhokama qilindi. Bu kabi ilmiy-amaliy konferensiyalar "Sharq taronalari" musiqa festivali doirasida 1997-yildan beri o'tkazib kelinadi. Festival nufuzi tobora ortib borayotgani sayin uning doirasidagi ilmiy-amaliy konferensiya geografiyasi ham kengayib bormoqda. Anjumanda AQSH, Buyuk Britaniya, Xitoy, Koreya, Rossiya, Qozog'iston, Ozarbayjon, Eron, Afg'oniston, Fransiya, Norvegiya, Moldoviya kabi bir qancha davlatlardan 30ga yaqin olim va tadqiqotchilar ishtirok etdi. Ikki kun davom etgan anjumanda amerikalik mashhur tadqiqotchilar Deved Xebert va Jonatan Makkolom, hindistonlik Shabir Ahmad, Buyuk Britaniyadan kelgan yurtdoshimiz Raziya Sultonova va boshqa olimlar taqdimotlari bilan qatnashdi.

Xalqimizning boy tarixi, ma'naviy olami, madaniyati, go'zal urf-odat va betakror an'alarini o'zida mujassam etgan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivalining maqsadi — insonlarni go'zallik, nafosat va ezgulikka da'vat etish, dunyo xalqlarining noyob musiqiy merosi hamda an'alarini asrab-avaylash, rivojlantirish, tili, madaniyati, milliy qadriyatlarini rang-barang bo'lgan turli millat va elatlarni san'at vositasida yanada jipslashtirishdan iborat.

Darhaqiqat, jahon xalqlari o'rtasida madaniy aloqalarni barqarorlashtirish, ular o'rtasidagi tinch-totuvlikni mustahkamlashda musiqa san'atining roli va ahamiyati beqiyos. "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivali bugun tom ma'noda ana shunday ezgu maqsad yo'lida xizmat qilmoqda.

**Lobar XAYRULLAYEVA,**  
Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi  
"Ma'rifat" targ'ibotchilar jamiyati mutaxassisi

# “TARBIYA BIZ UCHUN YO HAYOT – YO MAMOT, YO NAJOT – YO HALOKAT, YO SAODAT – YO FALOKAT MASALASIDIR”

Taniqli ma'rifatparvar adib Abdulla Avloniyning ushbu so'zlari har bir maktab binosida shior sifatida yozib qo'yilishi shart, dedi davlatimiz rahbari

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 23-avgust kuni bo'lib o'tgan xalq ta'limi tizimini rivojlantirish, pedagoglarning malakasi va jamiyatdagi nufuzini oshirish, yosh avlod ma'naviyatini yuksaltirish masalalariga bag'ishlangan videosektor yig'ilishida ta'lim va tarbiyaning ahamiyati haqida so'z bordi.**



Maktab — bu hayot-mamot masalasi, kelajak masalasi, deya ta'kidladi mamlakatimiz rahbari. Bu masalani davlat, hukumat va hokimlarning o'zi hal qilolmaydi. Bu butun jamiyatning ishi, burchiga aylanishi kerak. Maktabni o'zgartirib turib, odamni, jamiyatni o'zgartirib bo'lmaydi.

Prezidentimiz atqali fransuz adibi Viktor Hyugoning: "Maktab ochgan odam bamosoli qamoqxonani yopgandek gap", degan hikmatli iborasini misol keltirdi. Bu nima degani? Maktab, ta'lim, tarbiya bor joyda bolalar yomon yo'lga kirmaydi, jinoyat sodir etmaydi. Demak, qamoqxonalarga zaruriyat qolmaydi.

Yurtimizda qamoqxonalarda yopilayotgan va mahbuslar soni izchil kamayishiga erishilayotgan ayni pallada yangidan yangi maktablar ochilmoqda, mavjudlari esa davr talablari asosida tubdan ta'mirlanmoqda. Xususan, 11 yillik maktab ta'limi tizimi tiklangani, shuningdek, so'nggi uch yilda 157 ta umumta'lim maktabi yangidan qurilgani mazkur fikrni yaqqol tasdiqlaydi.

Shu bilan birga, ulug' allomalarimiz — Mirzo Ulug'bek va Muhammad Xorazmiy nomidagi iqtidorli bolalar maktablari, "Temurbeklar maktabi", Prezident maktablari, xususiy maktablar singari zamonaviy namunadagi ta'lim dargohlari tashkil etildi. Bularning barchasi Vatanimizning baxtiyor farzandlari uchun ta'lim-tarbiya olish borasida keng imkoniyatlar ochib bermoqda.

Keyingi uch yilda Prezidentimiz tashabbusi bilan Namanganda — Is'hoqxon Ibrat, Jizzaxda — Hamid Olimjon va Zulfiyaxonim, Qarshida — Abdulla

Oripov, Marg'ilonda — Erkin Vohidov, Nukusda — Ibroyim Yusupov, Andijonda — Muhammad Yusuf, Gulistonda — Halima Xudoyberdiyevaning ijod maktablariga asos solindi. O'z navbatida, iqtidorli bolalar har tomonlama qo'llab-quvvatlanmoqda.

Keyingi vaqtda "Akademiklar uchrashuvi" doirasida taniqli akademik Qalandar Abdurahmonov bilan birga ushbu ijod maskanlarining barchasida o'qituvchi va o'quvchilar bilan bevosita muloqotlar o'tkazdik. Har bir ta'lim dargohiga o'zimiz muallifi bo'lgan kitoblardan taqdim etdik.

Maktab jamoasi ishtirokida birimiz — iqtisodiyot, ikkinchimiz — huquqshunoslik fani bilan bog'liq jonli muloqotlar uyushtirdik. Bu suhbatlarning bolalar uchun qiziqarli va foydali ekanini ularning yoniq ko'zlaridan, izma-iz berilgan ma'noli savollaridan bilib turdik. Har gal bundan behad quvondik.

Nima uchun O'zbekistondan shu vaqtgacha Nobel mukofoti sovrindori chiqmagan? Bu borada natijaga erishish uchun nima qilish kerak?

O'zbekiston Qahramoni, Xalq shoiri Abdulla Oripovning ijod maktabida bo'lganimizda bu savollarga munosib javob topdik, nazarimizda. Qarshi shahridagi ushbu ta'lim dargohining nafaqat jonkuyar o'qituvchilari, balki ilg'or o'quvchilari ham darsdan bo'sh vaqtlarida sevimli shoirimizning sara she'rlarini o'zbek tilidan bevosita ingliz tiliga tarjima qilish va nashr ettirish bilan shug'ullanmoqdalar.

Ingliz tili — dunyo bo'ylab keng tarqalgan va qamrovi, obro'-e'tibori tobora ortib borayotgan til.

Shu ma'noda, Abdulla Oripovning ijod maktabidagi singari milliy adabiy asarlarni ingliz tiliga tarjima qilish ishlarini izchil davom ettirish va yanada kengaytirish joiz, deb o'ylaymiz. Buning uchun, albatta, har tomonlama rag'bat va ko'mak lozim bo'ladi.

Mazkur ijod maktablari faoliyatidan ozmi-ko'pmi xabardorligimizga tayangan holda, davlatimiz rahbarining Prezident maktablari va ijod maktablari faoliyatini muvofiqshtirish, ularning samaradorligini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi huzurida alohida tuzilma tashkil etilishiga doir tashabbusini qo'llab-quvvatlaymiz.

Shuningdek, maktablarda "vazir soati", "tadbirkor va bankirlar sabog'i" kabi dars amaliyotlarini joriy qilish hamda ularda ijro organlari rahbarlari, salohiyatli tadbirkorlar, malakali bank xodimlari dars o'tishi bilan bog'liq talab ham nihoyatda hayotiydir.

Bundan tashqari, davlat rahbarining diniy ulamalarimiz ham maktablarda ma'rifat, bag'rikenglik, odob va axloq ilmlarini, Imom Buxoriy, Termiziy, Moturidiy, Naqshband kabi ulug' ajdodlarimiz ma'naviy merosini o'rgatishi maqsadga muvofiq, degan fikrlarini to'la ma'qullaymiz.

Zero, ulug' alloma ajdodimiz Abu Rayhon Beruniyning: "Odamlar bilmagan narsalariga dushmanlik ko'zi bilan qaraydilar", degan so'zlari bejiz emas. Mashhur nemis shoiri va mutafakkiri Gyotening "Qonunlarni qancha ko'p va yaxshilab o'qisak, ularni buzishga vaqtimiz qolmaydi", degan fikri zamirida ham katta ma'no yashirin. Chunki bilimli, o'qimishli odam madaniyatli bo'ladi. Madaniyatli odam qonunlarni buzmaydi, demak, jamiyatda o'z-o'zidan jinoyatchilik kamayadi.

Bilimsiz kishilarning ko'ngli xurofotga moyil bo'lishi ham hayotda ko'p bora o'z isbotini topgan. Shu bois maktabning, ta'lim va tarbiyaning ahamiyati beqiyos. Bolalarimizga chuqur va sifatli bilim berish bilan bir qatorda qonunlar va odob-axloqni, din-u diyonat va ma'naviyatni maktablardan boshlab puxta o'rgatish juda muhim.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, kuni kecha Prezidentimiz "Tarbiya" fanini yaratish va o'qitish tashabbusi bilan chiqdi. Maktablardagi ma'naviy-tarbiyaviy ishlarni yangicha asosda tashkil etib, "Milliy g'oya", "Odobnoma", "Dinlar tarixi", "Vatan tuyg'usi" kabi fanlarni birlashtirgan holda yagona "Tarbiya" fanini joriy qilish zarurligi qayd etildi.

Biz bo'lajak yangi fanning asosini, birinchidan, o'zbek tilini bilish ustuvor vazifasi, ikkinchidan, xalq og'zaki ijodini chuqur o'rganish tashkil etishi lozim, degan

fikrdamiz. Nega deganda, xalq og'zaki ijodi milliy g'oya va tarbiyaning ham asosidir.

Xalq og'zaki ijodida vatanparvarlik, adolat, millatparvarlik, insonparvarlik, yurtsevarlik, el-yurtini himoya qilish, Vatanga sadoqat va muhabbat kabi xislatlarni o'zida jamlagan milliy dunyoqarashning asosiy unsurlari mujassamini topgan.

Xalq og'zaki ijodi — milliy g'urur, or-nomus va qadr-qimmat, vafo va sadoqat, jasorat va matonat, oliyanoblik va saxovatpeshalik, bag'rikenglik va halollik kabi fazilatlar sandig'i. O'zbek xalq og'zaki ijodi yodgorliklari — bizning ham tarixiy, ham ma'naviy, ham madaniy, ham huquqiy merosimizdir.

O'z navbatida, "Huquqiy tarbiya" mavzusi "Tarbiya" fanining uzviy qismi bo'lishi kerak, deb hisoblaymiz. Bu fikrga kelishimizning muayyan sabablari bor.

Gap shundaki, o'tgan yili "Parlament nazorati to'g'risida"gi qonunning 15-moddasida belgilangan deputatlik so'rovi asosida tegishli (8 ta) vazirliklar tizimidagi ta'lim muassasalarida "Konstitutsiya alifbosi", "Konstitutsiya saboqlari", "Konstitutsiyaviy huquq", "Inson huquqlari", "Davlat va huquq asoslari" kabi o'quv predmetlari bo'yicha bilim berilishining mavjud holatini o'rgangan edik.

Bu boradagi tahlillar aynan Xalq ta'limi vazirligi tizimida eng jiddiy muammo va kamchiliklar mavjudligini ko'rsatdi. Xususan, maktab o'quvchilari yoshi nuqtayi nazaridan, qonunchilik talabiga binoan "bola" deb hisoblangani holda, Xalq ta'limi vazirligi tizimida "Inson huquqlari — bola huquqi" predmetidan mutlaqo dars o'tilmayapti. Huquqqa doir fanlarni o'qitishda bir maktabda ushbu fandan bir "stavka" hajmda ham pedagogik yuklama yig'ilmaydi.

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda mamlakatimizni innovatsion rivojlantirish, 2030-yilga qadar Global innovatsiya indeksida ilg'or 50 mamlakat qatoridan joy egallash bo'yicha keng ko'lami ishlar amalga oshirilmoqda. Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida esa xuddi shu davrga borib o'quvchilar bilimini baholash bo'yicha PISA xalqaro dasturi reytingida O'zbekistonning jahondagi yetakchi 30 ta mamlakat qatoridan joy egallashi maqsad qilib qo'yilgan.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek, O'zbekiston ta'lim-tarbiya, ilm-fan, intellektual salohiyat sohasida, zamonaviy kadrlar, yuksak texnologiyalar borasida dunyo miqyosida raqobatbardosh bo'lishi shart.

**Akmal Saidov,  
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi  
Qonunchilik palatasining  
Demokratik institutlar,  
nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi  
boshqarish organlari qo'mitasi raisi,  
O'zMTDP fraksiyasi a'zosi**



# NAMANGAN SHAHRIDAGI "TEKSTILLIBOS" MCHJ JAMOASI

mehnatsevar, bag'rikeng,  
bunyodkor xalqimizni



## VATANIMIZ MUSTAQILLIGINING 28 YILLIK

*shodiyonasi bilan  
muborakbod etadi!*

**Erkimiz, shon-u shavkatimiz boqiy bo'lsin!**

"Milliy tiklanish" ijtimoiy-siyosiy gazetasidagi maqolalarni [milliytiklanish.uz](http://milliytiklanish.uz) saytida ham o'qing!

#### TAHRIR HAY'ATI:

Alisher QODIROV — hay'at raisi,  
Ilhom ABDULLAYEV, Amriddin BERDIMURODOV,  
Abdug'afur MAMATOV, Feruza MUHAMMADJONOVA,  
Akmal SAIDOV, Orliqali QOZOQOV, Muhammadjon QURONOV, Ismat XUDOYOROV

Bosh muharrir: Behzod NORBOYEV

**TAHRIRIYAT MANZILI:** Toshkent-100000,  
Amir Temur ko'chasi, 1-tor ko'cha, 2-uy.  
Gazeta tahririyat kompyuter markazida  
terildi va sahifalandi.

**TELEFONLAR:** (0-371) Qabulxona (faks): 234-69-55,  
Parlament va partiya hayoti bo'limi: 234-01-47,  
Ma'naviyat, turizm, xalqaro hayot va axborot bo'limi:  
234-87-73, Reklama va marketing bo'limi: 234-86-41,  
Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari: 234-87-74,  
Buxgalteriya: 234-87-73.

Hajmi: 3 bosma taboq, ofset usulida bosildi.  
Qog'oz bichimi A-3.  
"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: "Buyuk Turo" ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan  
№ 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Buyurtma — Γ 926. Adadi — 10020. Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farq qilishi mumkin.

Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborimizda bo'lib,  
ular mualliflariga qaytarilmaydi.

**Navbatchi muharrir:** Muxtorbek ABDULLAYEV.

**Navbatchi:** Dilfuza MAHKAMOVA.

**Sahifalovchi:** Jaloliddin O'RINOV.

**Elektron pochta:** e-mail: [gazeta@mt.uz](mailto:gazeta@mt.uz), [mtiklanish@mail.ru](mailto:mtiklanish@mail.ru)

Bosishga topshirish vaqti — 21.30. Topshirildi — 05.30 Uza yakuni 00.50

ISSN 2010-7734



1 2 3 4 5 6